Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН ✦ 20 декабрь 1973 йил, пайшанба ◆ № 297 (15.771). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Қорақалпоғистон АССР саноат корхоналари коллективлари беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили топшириқларини ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ҳажми бўйича йиллик планни муддатидан 15 кун илгари бажардилар.

* * *

Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги бошқармаси корхоналари ва ихтисослаштирилган колхозларининг меҳнаткашлари балиқ овлаш ва маҳсулотни реализация қилиш йиллик планини барвақт бажардилар. Улар декабрь охиригача камида 1,5 минг центнер балиқ овлашга қарор қилдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ва унинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари, 18 декабрда бажардилар. Топшириқдан ташқари 4400 тонна гўшт, 14000 тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти, 1200 тонна колбаса ишлаб чиқарилади, 15 миллион сўмлиқдан зиёд маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

18 декабрда Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Э. Герек ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Ҳар икки мамлакатни ва партияларни қизиқтирувчи масалалар самимий, дўстона вазиятда муҳокама қилинди.

* * *

Шу куни ўртоқ Э. Герек шарафига КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси зиёфат берди.

(ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАЛЛАНДИ

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек 19 декабрда Москвадан ватанига жўнаб кетди. У КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг таклифига биноан дўстона визит билан Совет Иттифоқида бўлган эди.

Л. И. Брежнев, П. Н. Демичев, К. Ф. Катушев ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари В. П. Бугаев, К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари ПХР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Э. Герекни кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Польша Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси З. Новак бор эди.

(ТАСС).

К. Т. МАЗУРОВНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНДА БЎЛИШИ

ФРУНЗЕ, 18 декабрь. (ТАСС). Қирғизистонга келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров бугун республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди.

К. Т. Мазуров Чу водийсидаги илғор чорвадорлар билан, Стрельникова номидаги давлат наслчилик заводи мутахассислари ва раҳбарлари билан учрашди ва сут-товар фермасини кўздан кечирди, унинг ходимлари билан суҳбатлашди.

Ўртоқ К. Т. Мазуров Қирғизистон мовут комбинатида беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили плани қандай бажарилаётганлиги билан танишиб чиқди.

Шундан кейин К. Т. Мазуров «Октябрь 40 йиллиги» тикувчилик фабрикасида ҳам бўлди.

50 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙ ОЛДИДАН

Катта ва шодиёна байрам—Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги яқинлашмоқда.

Республика меҳнаткашлари шу шонли санани муносиб кутиб олиш мақсадида тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани тобора кенгайтирмоқдалар. СССР Олий Советининг VII сессияси материаллари, партия XXIV съездининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги қарорларини амалга ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси фаолиятини батамом ва тўла-тўкис мақуллаган партия Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорлари, шу Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосалар меҳнаткашларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди.

19 декабрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига тайёргарлик кўрувчи ташкилий комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда юбилейга тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди. Кичик комиссияларнинг раҳбарлари белгиланган ташкилий тадбирлар, шунингдек пропаганда, фан, маданият ва маориф, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбирлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ахборот бердилар.

Республика министрликлари, идоралари, ижодий коллективлари ва жамоат ташкилотларининг юбилейга тайёргарлик кўриш борасида бундан кейин қиладиган вазифалари белгилаб чиқилди.

(ЎзТАГ).

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ VI СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси бугун—20 декабрь кундуз соат 14 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари соат 12 дан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Мажлислар залида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 20 декабрь соат 13 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида бўлади.

КПСС ва ПБИП РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг таклифига биноан, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек 1973 йилнинг 17-19 декабрь кунлари дўстона визит билан Совет Иттифоқида бўлди.

Л. И. Брежнев билан Э. Герек ўртасида самимий, ўртоқларча суҳбатлар бўлиб ўтди.

Икки қардош партияларнинг раҳбарлари ўз мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётининг асосий масалалари ҳусусида бир-бирларига ахборот бердилар.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми якунлари ҳамда партия билан бутун совет халқининг беш йиллик планни муваффақиятли бажариш борасида қилаётган ишлари, вазифалари тўғрисида гапириб берди.

Э. Герек партиянинг VI съезди қўйган вазифаларни амалга ошириш асосида ПБИПнинг яқинда бўлиб ўтган Умумпольша конференцияси натижалари тўғрисида, ПХРнинг 30 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик ва мамлакатни социалистик йўлдан бундан буён ҳам ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ахборот берди.

Қардош партиялар ҳамда Совет Иттифоқи халқи билан Польша Халқ Республикаси халқи ўртасидаги қар томонлама алоқалар муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги чуқур мамнуният билан қайд этилди. КПСС ва ПБИП Марказий Комитетлари ва маҳаллий партия ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштиришга, давлат, жамоат, илмий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида Совет—Польша ҳамкорлигини кенгайтиришга ҳар икки томон бутун чоралар билан ёрдам беришга тайёр эканлиги изҳор қилинди.

Учрашув чоғида иккала мамлакат халқ хўжалик планларини келаси беш йилликда яқин уйғунлаштириш асосида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш масалалари кўриб чиқилди. Томонлар СССР билан ПХР ўртасида ривожланаётган ишлаб чиқариш кооперацияси ва ихтисослаш муҳимлигини таъкидладилар. Планли, барқарор ва узоқ муддатли хўжалик алоқалари катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикасининг ҳукуматлари ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унинг янги прогрессив формаларини излаш ишлари давом эттирилаверади, деб келишиб олдилар.

Томонлар илмий тадқиқотлар ва лойиҳалаш-конструкторлик ишларини кооперациялаш конкрет тадбирларини амалга ошираверишга зарур деган фикрни айтдилар. Бу нарса фан-техника революцияси ютуқларини социалистик хўжалик системасининг афзалликлари билан қўшиш вазифасини янада самарали ҳал этишга имкон беради.

КПСС ва ПБИП раҳбарлари Совет—Польша анъанавий ҳамкорлигини кенгайтириш борасида белгиланган тадбирлар социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга, шу жумладан, социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини амалга ошириш борасидаги ишларга яхши ҳисса бўлиб хизмат қилади, деган ишонч билдирдилар. Шу муносабат билан қардош партиялар раҳбарларининг 1973 йил Кримдаги учрашуви хулосаларининг муҳимлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Актуал халқаро масалалар ҳусусида фикрлашиб олинди. Социалистик мамлакатларнинг изчил сиёсати, барча прогрессив ва тинчликсевар кучларнинг актив ҳаракатлари натижасида халқаро вазиятнинг анча соғломлаштирилишига эришилганлиги таъкидланди. Кескинликни юмшатиш ва давлатларнинг тинч ҳамкорлик қилишини ривожлантириш сиёсатини халқлар қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Э. Герек КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасининг улуғвор аҳамиятини, Совет Иттифоқи, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг дилдан тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаларини Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети номидан таъкидлади.

Л. И. Брежнев Польшанинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари биргалашиб олиб бораётган тинчлик сиёсатини амалга оширишдаги актив фаолиятини уқтириб ўтди.

Кескинликнинг янада юмшаб боришига халақит беришга уринаётган империалистик реакция кирдикорларига нисбатан ҳушёр туриш зарурлиги таъкидланди.

Томонлар Европадаги вазият яхшиланганидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш муваффақиятли поёнига етказилишига конструктив ҳисса қўшмоққа тайёр турганликларини таъкидладилар. Л. И. Брежнев ва Э. Герек кенгашнинг якунловчи босқичи юксак доирада ўтказилиши кенгашда қатнашувчи барча мамлакатларнинг манфаатларига мос тушган бўлур эди, деб ҳисоблайдилар. Бу Европадаги халқларнинг тарихан назар ташланаётган даврда тинч келажаги таъминланишига ёрдам бера оладиган самарали тадбирларни аниқлаб олишга имкон беради.

Л. И. Брежнев ўзининг Ҳиндистон Республикасига қилган визити якунлари ва бўлиб ўтган Совет-Ҳиндистон музокаралари тўғрисида Э. Герекка ахборот берди. Э. Герек визит натижалари ва шу визит чоғида имзоланган Декларация ПХР да Осиё ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамловчи муҳим омил сифатида ғоятда мақуллаб кутиб олинганлигини айтди.

Совет Иттифоқи ва Польша араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун олиб бораётган одилона курашини астойдил қўллаб-қувватлаганликлари ҳолда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Яқин Шарқдаги можарони ҳал этишга доир қабул қилган маълум резолюциялари қатъий бажарилишини таъминлаш зарур деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга улар Исроил 1967 йилда босиб олган барча араб территорияларини озод этиш, шунингдек Фаластин араб халқининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари таъминланиши масаласи Яқин Шарқдаги можарони бартараф этувчи асосий замин бўлиб келди ва шундайлигича қолмоқда, деб астойдил ишонадилар. Бусиз шу райондаги барча давлатлар ва халқлар учун барқарор тинчлик ва хавфсизлик бўлишини тасаввур этиб бўлмайди.

Томонлар Сайгон режими Париж битимини ҳамон бузаётганлигини кескин қораладилар ҳамда битимда қатнашган ҳамманинг шу битимни сўзсиз бажариши учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати билан Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг позицияларини доимо қўллаб-қувватлайверишларини билдирдилар.

КПСС ва ПБИП раҳбарлари Чили халқининг миллий мустақиллик, иқтисодий ва социал тараққиёт йўлидан ривожланиб бориш ҳуқуқи учун олиб бораётган курашини билан тўла бирдамликларини билдирдилар. Улар Халқ бирлиги қонуний ҳукуматини ағдариб ташлаган, оммавий террор ва хунрезлик қилаётган Чили реакцияси хатти-ҳаракатларини қатъий қоралаш, реакцион кучлар эрксевар Чили халқининг иродасини букишга муваффақ бўлолмайди, деб астойдил ишонч билдирдилар.

Суҳбатлар чоғида қардош мамлакатларнинг социализм ва коммунизм қуришда, катта-катта халқаро проблемаларни ҳал этишда эришган муваффақиятлари уларнинг мустаҳкам бирлиги ва ҳар томонлама ҳамкорлигининг катта натижаси эканлиги таъкидланди. СССР билан ПХР бундан буён ҳам ўзларининг ҳамма ҳаракатларида қардош социалистик давлатлар жипслигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш зарурлигига доимо амал қиладилар.

Л. И. Брежнев ва Э. Герек ўртоқларнинг учрашуви иккала мамлакатнинг муҳокама этилган барча проблемалар ҳусусидаги қарашларда тўла яқдиллигини намойиш қилди.

„СОЮЗ-13"—ПАРВОЗДА



Петр Ильич КЛИМУК



Валентин Витальевич ЛЕБЕДЕВ

КОСМОСДА ИККИНЧИ КУН

ПАРВОЗНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 19 декабрь. (ТАСС). «Союз-13» космик кемаси Москва вақти билан соат 17 дан 30 минут ўтгангача Ер атрофини 18 марта айланиб чиқди.

Космонавтлар П. И. Климук билан В. В. Лебедев вазнсизлик шароитларига кўникиб, илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар программасини бажаришни давом эттирмоқдалар.

Кеча Ер атрофини бешинчи марта айланиб чиққан чоғда парвоз траекторияси ростлаб қўйилди. Бунинг натижасида «Союз-13» кемаси параметрлари қуйидагича бўлган орбитага ўтди:

— Ер юзасидан энг узоқ масофаси (апогейда)—272 километр;
— Ер юзасига энг яқин масофаси (перигейда)—225 километр;
— Орбитанинг оғиши—51,6 градус;—айланиш даври—89,22 минут.

Экипажнинг иш куни эрталаб соат саккизда бошланди. Медицина назорати ва нонуштадан кейин Петр Климук билан Валентин Лебедев парвознинг иккинчи куни программасини бажаришга киришдилар. Улар борт системаларини текширib, вазнсизлик шароитларида айрим биологик объектларнинг ўсиш ва яшаш хусусиятларини тадқиқ этиш учун хизмат қилувчи «Оазис-2» қурилмасини ишлашга тайёрладилар ва ишга туширдилар. Сўнгра космонавтлар «Орион-2» телескоплар системасини ишга туширишга киришдилар. Телеметрик ахборот маълумотларига ва кема командирининг докладларига кўра, парвоз нормал ўтмоқда.

ХУШ КЕЛИБСИЗ, ВЬЕТНАМЛИК АЗИЗ ДЎСТЛАР

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг Раиси доктор Нгуен Хиу Тхо бошчилигидаги Жанубий Вьетнам Республикаси делегацияси СССР Олий Совети Президиумининг ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан 18 декабрда Совет Иттифоқига келди.

Делегация составида Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикаси ташқи ишлар министри Нгуен Тхи Бинь, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ле Куанг Тянь, бошқа расмий кишилар бор.

Жанубий Вьетнам Республикаси ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Х. Арутюнян, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, СССР Министрлари С. Ф. Антонов, А. М. Тарасов, Иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР министрларининг ўринбосарлари В. Г. Куликов, Н. Т. Ратников, Н. П. Фирюбин, Вьетнамни қўллаб-қувватловчи Совет Комитетининг раиси, ВЦСПС секретари П. Т. Пименов ва бошқа кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Жанубий Вьетнам Республикасининг СССРдаги элчиси Нгуен Ван Тхан, Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Во Тхук Донг, Жанубий Вьетнам Республикаси ва Вьетнам Демократик Республикаси, элчихоналарининг дипломатия ходимлари, Москвада таълим олаётган Вьетнамлик студентлар, СССРдаги бир қанча мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари бор эди.

Ўзини майдонида қуролли кучларининг ўч тури: пиёдалар, учувчилар ва денгизчилардан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди. Ҳар икки мамлакат давлат гимнлари ижро этилди.

Н. В. Подгорний билан Нгуен Хиу Тхо совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар.

Москва меҳнаткашларининг вакиллари аэродромда ҳурматли меҳмонни самимий ва дўстона табрикладилар.

Нгуен Хиу Тхо ва делегациянинг бошқа аъзолари аэродромдан Москвага томон йўл олдилар.

Мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигида автомашиналар кортежи ўтган кўчалар ва майдонлар Жанубий Вьетнам Республикаси ва СССР давлат байроқлари билан, «Ҳуш келибсиз, Жанубий Вьетнам Республикасининг ҳурматли вакиллари!», «Жанубий Вьетнам қаҳрамон халқининг вакилларига оташин салом!», «Яшасин Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти!», «Совет Иттифоқи билан Жанубий Вьетнам халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!», «Вьетнам халқининг Париж битими қатъий бажарилиши учун, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган ҳаққоний курашини астойдил қўллаб-қувватлаймиз!» деган сўзлар ёзилган табрик транспарантлари билан безатилган эди.

(ТАСС).

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ЯГОНА ОИЛАСИДА

ҚИРҒИЗИСТОН ССР БАЙРОҒИДА— ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ

ФРУНЗЕ, 19 декабрь. (ТАСС). Қирғизистоннинг шаҳарлари, посёлкалари ва овулларида шодиёна байрам. Республика мукофотланган қўш Ленин ордени ёнида бугун унинг байроғида Халқлар дўстлиги ордени ҳам порлади. ССР Иттифоқини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, социалистик миллат ва элатлар дўстлиги ҳамда қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун, Совет давлатининг иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий тараққиётига қўшган катта ҳиссаси учун Қирғизистон шу мукофотга сазовор бўлди.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Олий Советининг тантанали қўшма мажлисига Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар, СССР Олий Совети ва Қирғизистон ССР Олий Советининг депутатлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, саноат, қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армиясининг жангчилари, кўпдан-кўп меҳмонлар йиғилдилар.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев тантаналли мажлисни очди.

Залда Совет Иттифоқи ва Қирғизистон ССР гимнлари янгради.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросидан иборат составдаги фахрий президиумни баланд руҳ билан сайладилар.

Қирғизистон ССР байроғи ва КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг эсдалик байроғи; КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи залга олиб кирилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советн Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуровга сўз берилади.

К. Т. Мазуров КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан республиканинг ишчилар синфини, колхозчи деҳқонларини, зиёлиларини, уруш ва меҳнат ветеранларини, ёшлар меҳнаткаш аёлларини, коммунистларини, комсомолларини, барча меҳнаткашларини Ватаннинг юксак ва муносиб мукофоти билан қизғин табриклади.

Республикаларга мукофотлар берилиши, деди у, барча халқлар бирлиги ва қардошлигининг, уларнинг Коммунистик партия теваракгида жипслашуви, ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёркин намойишига айланиб кетди.

Мен Қирғизистон Совет Социалистик Республикасига Халқлар дўстлиги орденини топширишдек катта шарафга муяссар бўлдим, деб давом қилди нотиқ. Шу фахрли топшириқни бажо келтиришдан олдин КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросидан ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневдан сизга самимий табриклар айтишга рухсат бергансиз.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Совет Қирғизистонининг коммунистларига, барча меҳнаткашларига КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш, коммунистик қурилиш планини амалга ошириш учун курашда катта-катта муваффақиятлар тилайдилар.

Совет Қирғизистонининг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланиши Қирғизистон ССРнинг кўп миллатли Совет давлатини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўшган муҳим ҳиссаси эътироф этилганлигини, республика меҳнаткашларининг коммунистик жамият қуришдаги хизматларига юксак баҳо берилганлигини билдиради. Бу орден энди республика байроғидаги қўш Ленин ордени билан порлаб туради.

(Давоми 3-бетда).

САМИМИЙ, ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг Раиси доктор Нгуен Хиу Тхо бошчилигидаги Жанубий Вьетнам Республикаси делегацияси шарафига 18 декабрда Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати номидан тушки зиёфат берилди.

Зиёфатда Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советн Раиси М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Х. Арутюнян, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, СССР Министрлари, давлат комитетларининг раислари, КПСС Марказий Комитетининг ва СССР Олий Советн Президиумининг, министрликлар ва идораларнинг, жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари бўлишди.

Зиёфат чоғида Н. В. Подгорний меҳмонларга мурожаат қилиб нутқ сўзлади.

Н. В. Подгорний нутқи

Муҳтарам Раис Нгуен Хиу Тхо!

Жанубий Вьетнам Республикаси делегациясининг муҳтарам аъзолари!

Жанубий Вьетнамдан келган муҳтарам меҳмонлар!

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Бугун Совет Иттифоқига расмий дўстона визит билан келган раис Нгуен Хиу Тхони ҳамда Жанубий Вьетнам Республикаси делегациясининг бошқа аъзоларини — ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган мард Жанубий вьетнамликларнинг вакилларини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан чин кўнгилдан қизғин табриклашга ижозат бергайсиз. Шундай бир қувончли ҳолни айтиб ўтиш керакки, бу визит 20 декабрда нишонланадиган ажойиб санага — Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти ташкил этилган кунининг 13 йиллиги билан бир вақтга тўғри келди.

Бундан тўрт йил муқаддам — 1969 йилнинг ноябрида — Раис Нгуен Хиу Тхо бизнинг мамлакатимизга қилган биринчи визити вақтида у билан ўтказган учрашувларимиз ва суҳбатларимиз ҳозир эсимга тушиб қолди. Ўша вақтда биз, ғалаба қозонишга иродаси чексиз бўлган Вьетнам халқи социалистик давлатларнинг ва жаҳондаги барча тараққийпарвар кучларнинг катта ва самарали ёрдамига таяниб империалистик агрессорларга ҳамда уларнинг малайларига қарши олиб бораётган ўзининг одилона курашида ҳеч шубҳасиз муваффақият қозонади деб биргаликда қатъий ишонч билдирган эдик.

Вьетнам халқининг ҳаққоний иши тантана қилишига бўлган муштарак ишончимиз асосли бўлиб чиққанлигини ўтган йиллар тўла-тўкис исботлаб берди. Жанубий Вьетнамнинг шонли фарзандлари Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг ва Муваққат революцион ҳукуматнинг синалган раҳбарлиги остида, мамлакатнинг шимолидаги ўз қардошлари билан бир сафда туриб курашиб, катта ғалабаларга эришдилар. Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисида Парижда битимлар тузилганлиги қаҳрамон Вьетнам халқининг тарихий муваффақияти бўлди, уни ҳар доим қўллаб-қувватлаб турган социалистик давлатларнинг, барча тинчликсевар кучларнинг тарихий муваффақияти бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев тинчликсевар кучларнинг яқинда бўлиб ўтган конгрессида сўзлаган нутқида Вьетнамдаги уруш тўхтатилганлиги жаҳоншумул аҳамиятга эга воқеа бўлганлигини айтиб ўтди. Империалистларнинг Вьетнам халқига қарши агрессиясига чек қўйилганлиги Шарқи-Жанубий Осиёдаги ва умуман жаҳондаги вазиятни соғломлаштиришга ёрдам берди.

Париж битими Вьетнам халқининг ўз мамлакатининг сиёсий проблемаларини одилона ҳал этиш учун олиб бораётган курашида янги босқични бошлаб берди, Жанубий Вьетнамнинг демократия мустақиллик ва бетарафлик йўлида ривожланиши учун ҳуқуқий негиз яратиб берди, Вьетнамни бирлаштириш сари аста-секин олға бориш учун қулай шарт-шароит вужудга келтирди.

Миллий озодлик фронти Марказий Комитети ва Жанубий Вьетнам Республикасининг Муваққат революцион ҳукумати, шунингдек, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ҳам аввал бошданоқ Париж битими қоидаларини аниқ ва оғишмай бажариш йўлидан қатъият билан бормоқдалар. Бу йўлни Совет Иттифоқи, Вьетнам халқининг барча ҳақиқий дўстлари мамнуният билан маъқуллайдилар ва тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар.

Сайгон маъмурияти бошқача позицияга ўтиб олди. У АҚШнинг ҳақиқатда бериб турган мададига таяниб, Париж битимига систематик равишда ва қўпол қаршилик кўрсатиш йўлига тушиб олди. Кейинги вақтларда Сайгон режими озод қилинган ва Муваққат революцион ҳукумат назорати остида турган районларга қарши ўзининг қуролли иғвогарликларини сезиларли равишда активлаштириб юборди, бу ҳол Жанубий Вьетнамдаги вазиятнинг хатарли суратда кескинлашувига олиб келди.

АҚШдан мадад олиб турган Сайгон маъмуриятининг иғвогарлик ҳаракатларини совет кишилари вьетнамлик дўстлари билан бирга қатъиян қораламоқдалар ва бу иғвогарлик ҳаракатларини дарҳол тўхтатишни талаб қилмоқдалар. Мутлақо равшандирки, Париж битимини тўла-тўкис ва оғишмай амалга оширишгина Вьетнамда ҳамда бутун Ҳинди-Хитойда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилишини таъминлаши мумкин.

Вьетнамдаги кескинликни юмшатиш мақсадида ҳозирги босқичда сарфланаётган куч ва ғайрат ижобий натижалар беради, манфаатдор томонлар Парижда тузилган битимни амалга оширмоқ учун тегишли йўллар топадилар, деган умиддамиз. Совет Иттифоқига келганда, у интернационал бурчга, қардош Вьетнам халқининг курашини қўллаб-қувватлашдан иборат ўзининг принципиал йўлига содиқ бўлган ҳолда Вьетнам диёрида мустаҳкам тинчлик ўрнатилишига, шу мамлакат халқининг қонуний ҳуқуқлари ва истак-орзулари амалга оширилишига кўмаклашмоқ учун ўзининг қўлидан келган ҳамма чораларни кўраверади.

Эркинлик, тинчлик ва халқлар тараққиёти ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган кучларнинг позицияси одилона мақсадларга эришиш учун олиб борилаётган курашда тобора мустаҳкамланаётганлиги бизни қувонтирмоқда. Совет Иттифоқининг, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг қудрати ва нуфузи тўхтовсиз кучайиб бормоқда. Яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Советининг сессияси қабул қилган қарорлар мамлакатимизнинг бундан буён ҳам социал-иқтисодий ривожланишига, мамлакатимизнинг жаҳондаги воқеаларнинг боришига ўтказаётган таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

Партиямиз ва совет давлати КПСС XXIV съездининг қарорларини ва шу съездда қабул қилинган Тинчлик программасини амалга ошира бориб, ташқи сиёсат соҳасида изчиллик билан актив иш олиб бормоқдалар, барча тинчликсевар кучлар зўр ғайрат билан қилаётган ҳаракатлар ва бизнинг бу ишларимиз халқаро вазиятда муҳим ижобий силжишларга олиб келмоқда. Биз шунга асосланмоқдамизки, халқаро ҳаётдаги қулай ўзгаришлар нақадар тез ва тубли равишда мустаҳкамлана ва ривожлантирилаверса, империализмнинг кескинлик манбаларини вужудга келтириш, агрессив йўл ўтказиш имкониятлари шу қадар кўп чекланаверади, тинчлик ва тараққиёт кучлари шу қадар муваффақиятли ҳаракат қила оладиган бўлиб қоладилар.

Биз реалистлармиз. Шу боисдан биз, албатта, шу нарсани яхши биламизки, планетанинг турли районларида сиёсий иқлимнинг яхшиланишига тўсқинлик қилишга уринаётган таъсир ўтказувчи кучлар ҳали оз эмас. Янги ҳарбий аланга чиқиши хавфини туғдирадиган мураккаб вазият Яқин Шарқда ҳануз давом этмоқда. Тез орада ўз ишини бошлаши мўлжаллаб қўйилган Женева конференцияси Яқин Шарқда мустаҳкам ва одилона тинчликка эришишга хизмат қилади, деган умиддамиз. Исроил қўшинларини 1967 йилда ўзлари босиб олган барча араб территорияларидан олиб чиқиб кетишлари асосида, шунингдек шу районидаги барча давлатларнинг ва халқларнинг, шу жумладан Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш асосида Яқин Шарқдаги можаро мустаҳкам бартараф

Нгуен Хиу ТХО нутқи

Муҳтарам Подгорний жаноблари!

Муҳтарам жаноблар ва дўстлар!

Октябрь революциясининг Ватани, улуғ Ленин мамлакати бўлган Совет Иттифоқига келганлигимиз сабабли бизда пайдо бўлган чуқур ҳаяжон ва катта шодлик ҳисларини бу ерда изҳор этишга ижозат бергайсиз. Мамлакатимизнинг мустақиллиги ва эркинлиги учун олиб бораётган курашимизда тарихий ғалаба қозонганимиздан кейин СССРни зиёрат қиламиз деб кўнглимизга тугиб қўйган орзумиз рўёбга чиқди.

Шу муносабат билан аввало сизларга, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Совет Иттифоқи ҳукуматига ва бутун қаҳрамон совет халқига Жанубий Вьетнам аҳолисининг қизғин саломини ва энг яхши истакларини топширишга ижозат бергайсиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, СССР Олий Советининг, Совет ҳукуматининг раҳбарларига ва Москва аҳолисига бизни ғоят яхши ва тантанали кутиб олганликлари учун Жанубий Вьетнам Республикаси делегациясининг аъзолари номидан самимий ташаккур айтаман. Мамлакатимиз шаънига, Жанубий Вьетнам халқи шаънига айтган жуда гўзал ва илиқ сўзларингиз учун Сизга катта ҳаяжон билан ташаккур айтаман.

Ҳурматли жаноблар ва дўстлар! Бутун мамлакатдаги барча ватандошларимиз учун бўлгани каби Жанубий Вьетнам аҳолиси учун ҳам «Совет Иттифоқи» деган сўзлар аллақачон жуда яқин ва жонажон сўзлар бўлиб қолган. Бизнинг халқимиз Советлар мамлакати жаҳоннинг мазлум халқларига янги давр очиб берган, ҳаммага ёруғлик ва озодлик йўлини очиб берган Улуғ Октябрь революциясининг ватани эканлигини билади. Шу билан бирга бизнинг халқимиз сизларнинг мамлакатингиз Матросов, Мересьев, Зоя Космодемьянская сингари қаҳрамонлар ватани эканлигини ҳам билади. Сизнинг мамлакатингиз инсониятни гитлерчилар фашизмининг даҳшатларидан қутқарган шонли Совет Қуролли Кучларининг ватанидир.

Улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан олижаноб интернационализм байроғини баланд кўтариб бораётган қардош совет халқи курашаётган халқлар томонида ҳар доим ва қаттиқ турганлигини ҳам Жанубий Вьетнам халқи билади ва билганда ҳам жуда чуқур билади. Қардош совет халқи Вьетнам халқига, айниқса ватанни халос қилиш учун Америка агрессиясига қарши кураш олиб борган даврда, серкулфат ва сермашаққат мана шу кураш даврида ҳар доим катта ва самарали ёрдам бериб турди ва ҳамма соҳаларда уни қувватлаб турди.

Вьетнам халқига мадад ва ёрдам бериш чоралари тўғрисида КПСС съездларида, СССР Олий Советининг сессияларида, Совет ҳукуматининг мажлисларида ҳар доим қарорлар қабул қилинди.

Совет Иттифоқида Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳаракати вужудга келди ва мустаҳкамланди. Ғоят кенг ва актив ҳаракатга айланган бу ҳаракат энг хилма-хил аҳоли табақаларининг вакилларини ўз ичига олди ва жуда хилма-хил шаклларда ўзини кўрсатиб, совет кишиларининг самимий ҳис ва туйғуларини ифодаламоқда.

Совет Иттифоқи халқаро миқёсда Вьетнам халқи билан бирдамлик ва уни қўллаб-қувватлашдан иборат халқаро ҳаракатни мустаҳкамлашга ўзининг актив ҳиссасини қўшди. Мамлакат ичида ҳам, шунингдек халқаро майдонда ҳам барча муҳим анжуманларда КПСС ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари Миллий озодлик фронтининг, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг одилона позицияларини қатъий равишда қўллаб-қувватлаётганликларини неча марталаб айтдилар. Бирдамлик, олижаноб дўстлик руҳи, қардош совет халқининг жуда катта ёрдами Вьетнам халқини руҳлантириб турган, рағбатлантираётган ғоят қимматли манба бўлди, ғалабани қўлга киритишда қўшилаётган ва ҳозирги кунда улуғ ғалабани қўлга киритишимизга олиб келган катта ва муҳим ҳисса бўлди.

Биз ҳурматли ва севимли президент Хо Ши Миннинг муқаддас васиятини адо этиб Жанубий Вьетнам аҳолисининг эзгу истак ва орзуларини бажо келтириб ҳамда хурсандлик ҳис-туйғуларига тўлиб ва чуқур дўстлик ҳисларига асосланиб КПССга, Совет Иттифоқи ҳукуматига ва халқига Миллий озодлик фронтининг, Муваққат революцион ҳукумати ҳамда Жанубий Вьетнам аҳолисининг самимий ва астойдил ташаккурини изҳор этамиз.

Муҳтарам жаноблар ва дўстлар! Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисида битим имзоланиши билан АҚШ ўз қўшинларини батамом олиб чиқиб кетишга ҳамда Вьетнамнинг мустақиллигини ва суверенитетини, бирлигини ва территориал бутунлигини, шунингдек Жанубий Вьетнам халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тантанали равишда тан олишга мажбур бўлди. Бу мамлакатимизнинг ҳар иккала қисмидаги аҳолининг, ҳам жанубий, ҳам Шимолий Вьетнам аҳолисининг буюк ғалабаси бўлди. Шу билан бирга, бу Ҳинди-Хитой халқларининг, социалистик мамлакатларнинг, блокларга қўшилмаган давлатларнинг ҳамда ер юзидаги барча кучларнинг, тинчлик ва адолатни севган кучларнинг ҳам ғалабаси бўлди.

Жанубий Вьетнам аҳолисининг бирдан бир ҳақиқий вакили бўлган Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг ўзгармас позицияси, шунингдек Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг ҳам позицияси Париж битимини ҳурматлашдан, уни аниқ ва қатъий бажаришдан иборатдир. Шу сабабли биз Қўшма Штатлардан ва Сайгон маъмуриятидан ҳам худди шундай қилишни талаб этамиз. Бироқ, ўзларингизга маълумки, дўстлар, АҚШ ва Сайгон маъмурияти ўз мажбуриятларига риоя қилмаётир. Улар Париж битимининг кўпгина жуда муҳим қоидаларини жиддий ва систематик равишда бузмоқдалар, бу эса Жанубий Вьетнамда кескин вазият туғилишига олиб келмоқда. Сайгон маъмурияти Қўшма Штатларнинг мададига таяниб, унинг рағбатлантираётганидан фойдаланиб, озод қилинган районларни босиб олиш мақсадида кенг миқёсда ва систематик равишда операциялар ўтказмоқда. Шу йил октябрь ойидан бошлаб Сайгон маъмурлари бомбардимон қилишларни, тўпга тутишларни кучайтириб юбордилар, бунинг натижасида Муваққат революцион ҳукумат назорати остида турган районларга зарар етказилмоқда ва аҳоли орасида кўп кишилар қурбон бўлмоқда. Бу эса жиддий ҳолдир.

Сайгон маъмурияти назорат қилиб турган районларда Сайгон режими тинчлик ва миллий иноқлик бўлсин деб талаб қилаётган барча аҳоли табақаларига қарши қонли террор, репрессиялар ўтказмоқда. Сайгон маъмурлари ҳозир турмаларда азоб тортиб ётган минглаб сиёсий маҳбусларни қамоқдан бўшатишга рози бўлмаётирлар, шу билан бирга яна кўп кишиларни қамоққа олмоқдалар, ватанпарварларни яна таъқиб қилмоқдалар.

Қўшма Штатлар ҳукумати Муваққат революцион ҳукуматни тугатишга, Жанубий Вьетнамда янги мустамлакачилик режимини ўрнатишга ва Вьетнамнинг бўлиб қўйилганлигини абадийлаштиришга интилиб, Париж битимини бузаётган асосий айбдордир ва бунинг учун жавобгар бўлишдан бўйин товлаши мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда АҚШ Жанубий Вьетнамда граждан кийими кийинтириб қўйилган 24 минг нафардан кўпроқ ҳарбий маслаҳатчиларни сақлаб турибди. Амалда улар Сайгон маъмурларининг уруш ҳаракатига раҳбарлик қилмоқдалар. АҚШ Сайгоннинг қуролли кучларини мустаҳкамлашга интилиб Жанубий Вьетнамга қурол-яроғлар, ҳарбий анжомларни ғайри қонуний равишда олиб келишни давом эттирмоқда. АҚШ ва Сайгон маъмурияти кундан-кунга тобора жиддий тус олаётган ҳарбий операциялар ўтказиб турган шароитда Жанубий Вьетнамнинг халқ озодлик қуролли кучлари аҳолининг ҳаётини ва мол-мулкини, озод этилган районларни ҳимоя қилмоқ учун, халқимиз жуда оғир қурбонлар бериб қўлга киритган ғалабаларни ҳимоя қилмоқ учун қатъий зарба беришга мажбур бўлмоқдалар. Биз буни Париж битимини ҳимоя қилишнинг тўғри, қатъий усули деб ҳисоблаймиз.

Совет халқи бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари ва тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги билан бирга уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатишни, Жанубий Вьетнам халқи ўзининг эзгу ва ҳаққоний орзуларини рўёбга чиқаришига, яъни ватанини тинч бирлаштириш йўлидан бориб, миллий иноқлик руҳида тинч, мустақил, демократик Жанубий Вьетнам давлатини қуришига имкон бермоқ учун Париж битимини қатъий бажаришни АҚШ ҳукуматидан ва Сайгон маъмуриятидан талаб қилиб, бундан буён ҳам Жанубий Вьетнамнинг Муваққат революцион ҳукумати ва халқи олиб бораётган курашга хайрихоҳ бўлган ҳолда қудратли мадад бериб туришига ишонамиз.

«Совет — Вьетнам дўстлигининг таъсирчанлиги ва кучи уруш кунларида яққол исботланди. Энди тинчлик кунларида биз вьетнамлик ўртоқларимиз билан бирга халқларимизнинг қардошлигини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашга маҳкам бел боғлаганмиз» деб Л. И. Брежнев айтган мана шу жуда яхши сўзларни Вьетнам халқи ҳар доим чуқур миннатдорчилик билан эслайди. Бу илҳомбахш сўзлар қуролли кучларимизни ва Жанубий Вьетнам аҳолисини рағбатлантирувчи қудратли воситадир, тинчлик, мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт учун курашаётган халқларнинг муштарак кураши манфаатлари йўлида янги ғалабаларга эришишга рағбатлантирувчи қудратли воситадир.

Муҳтарам дўстлар, Совет Иттифоқининг зафарли дадил қадамлари планетамизда тинчлик, эркинлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашаётган кучларни янада мустаҳкамлашга ёрдам бераётганлигини бизнинг халқимиз яхши тушуниб турибди. Шу сабабли биз совет халқининг ўз мамлакатини сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш ва қуриш йўлида эришган порлоқ ғалабаларини кўриб қувонмоқдамиз.

Совет халқи шонли революцион традицияларни, фидокорона, ижодий меҳнат руҳини ривожлантириб, жуда катта иқтисодий ва мудофаа потенциалига, ривожланган маданиятга эга бўлган, фан ва техника соҳасида баланд чўққиларга кўтарилган, жаҳонда энг қудратли бўлган социалистик давлат қурди. Совет халқининг маънавий ва моддий турмуши муттасил яхшиланмоқда. Унинг ўз мамлакатини қуришда эришган жуда катта муваффақиятлари халқаро майдонда Совет Иттифоқининг обрўйини янада оширишга ва позициясини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

1973 йилда совет халқининг саноат ишлаб чиқариши соҳасида, хусусан қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган жуда катта муваффақиятлари бизни айниқса қувонтирмоқда. Бугун биз Совет Иттифоқида «Союз-13» космик кемаси муваффақиятли учирилганлигини эшитиб жуда хурсанд бўлдик. Биз қардош совет халқини бу порлоқ муваффақият билан қизғин табриклаймиз!

Жанубий Вьетнам халқи қардош совет халқига ҳурматли ва севимли Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС раҳбарлигида тағин ҳам катта муваффақиятларга эришувини, КПСС XXIV съезди белгилаб берган тўққизинчи беш йиллик планни ғалабалар билан туғаллашини чин кўнгилдан тилайди. Бу эса Совет Иттифоқини янада мустаҳкамлашга, совет кишиларининг турмушини ва фаровонлигини яхшилашга ёрдам беради ва жаҳон халқларининг революцион кураши ишига ғоят катта ҳисса қўшади.

Мана шу самимият, дўстлик ва қардошлик вазиятида:

Вьетнам ва совет халқлари ўртасидаги буюк дўстлик учун, бу дўстликнинг янада равнақи учун!

Совет халқининг улуғ ғалабалари учун!

Вьетнам халқининг порлоқ ғалабаси учун!

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин соғлиқлари учун!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Олий Совети ва ҳукумати бошқа раҳбарларининг соғлиқлари учун!

Бу ердагилар ҳаммасининг соғлиғи учун мана шу қадаҳни таклиф этишга ижозат бергайсиз.

Н. В. Подгорний ва Нгуен Хиу Тхонинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ НГУЕН ХИУ ТХО БИЛАН МУЗОКАРАЛАРИ

18 декабрда Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг Раиси доктор Нгуен Хиу Тхо ўртасида музокаралар бошланди.

Музокараларда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитеси Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитети аъзолари — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков; СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов қатнашдилар.

Жанубий Вьетнам Республикаси томонидан — Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати ташқи ишлар министри Нгуен Тхи Бинь, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ле Куанг Тянь, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Нгуен Ван Тхан, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Хо Суан Сон иштирок этдилар.

Дўстона вазиятда ўтган музокаралар давомида Совет Иттифоқи билан Жанубий Вьетнам Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга доир масалалар қараб чиқилди.

Музокаралар давом эттирилади.

МУЗОКАРАЛАР ТУГАДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Советн Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг Раиси доктор Нгуен Хиу Тхо ўртасида олиб борилган музокаралар 19 декабрда Кремлда ниҳоясига етказилди.

Музокараларда:

Совет томонидан—КПСС Марказий Комитетининг аъзолари СССР Министрлар Советн Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов.

Жанубий Вьетнам республикаси томонидан — Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг ташқи ишлар министри Нгуен Тхи Бинь, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ле Куанг Тянь, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Нгуен Ван Тхан, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Хо Суансон иштирок этдилар.

Дўстона вазиятда ўтган музокаралар чоғида Совет Иттифоқи билан Жанубий Вьетнам Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтириш ва кучайтириш масалаларини кўриб чиқиш давом эттирилди, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи бир халқаро проблемалар муҳокама қилинди. (ТАСС).

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг Раиси доктор Нгуен Хиу Тхо бошчилигидаги Жанубий Вьетнам Республикаси делегацияси 19 декабрда В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди.

Меҳмонлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчисининг хотирасини бир дақиқа сукут билан эсга олдилар.

Сўнгра меҳмонлар Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоблари дафн этилган Кремль девори ёнида бўлдилар.

Делегация шу куни Кремль девори ёнидаги номаълум солдат қабрини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Х. Арутюнян, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин ва бошқа расмий кишилар меҳмонлар билан бирга бўлишди.

(ТАСС).

Д. С. ПОЛЯНСКИЙ ТОЖИКИСТОНГА КЕЛДИ

ДУШАНБЕ, 19 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР қишлоқ хўжалик министри Д. С. Полянский бугун бу ерга келди.

Аэропортда Д. С. Полянскийни Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холов, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Набиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика партия ва совет органларининг бошқа раҳбарлари кутиб олишди.

РОССИЯНИНГ ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

МОСКВА, 19 декабрь. (ТАСС). РСФСР Олий Советн олтинчи сессияси ўз ишини тугатди. Сессияда РСФСР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида, шунингдек РСФСРнинг 1974 йилги давлат бюджети ва 1972 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги докладлар муҳокама қилинди.

Депутатлар ва меҳмонлар Ю. В. Андропов, А. П. Кириленко, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов ўртоқларни узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар.

РСФСР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисидаги Қонун ҳамда Россия Федерациясининг 1974 йилги давлат бюджети тўғрисидаги Қонун бир овоздан қабул қилинди.

ЖЕНЕВАДА БЎЛАДИГАН КОНФЕРЕНЦИЯГА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Яқин Шарқ хусусидаги сулҳ конференциясида қатнашиш учун 19 декабрда Москвадан Женевага учиб кетди.

Конференция манфаатдор томонлар ўртасида эришилган келишувга мувофиқ 21 декабрда иш бошлаши лозим.

Внуково аэродромида А. А. Громикони СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолишди.

(ТАСС).

ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИ ОСТИДА

19 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Советн бир қанча доимий комиссияларининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ёшлар масаласи билан шуғулланувчи доимий комиссия металлургия саноати учун ёш мутахассислар тайёрлашнинг бориши тўғрисида республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг ҳисоботларини тинглади.

Коммунал хўжалиги ва маиший хизмат доимий комиссиясининг мажлисида Самарқандда пассажир транспорти қандай ишлаётганлиги тўғрисида шаҳар ижроия комитетининг ҳисоботи тингланди.

Савдо ва умумий овқатланиш доимий комиссиясининг мажлисида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларининг аҳволи тўғрисида республика Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашув правлениесининг ҳисоботлари тингланди.

(ЎзТАГ).

БАЙРОҚЛАР ДОИМО САҚЛАШ УЧУН ҚОЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети пахта етиштиришни янада кўпайтириш, пахта ҳосилдорлигини ва пахта йиғим-теримини механизациялаштириш даражасини ошириш юзасидан мамлакат пахтакор республикалари партия-хўжалик активининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтказилган йиғилиши қўйган вазифаларнинг бажарилиш якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари доимо сақлаш учун қуйидагиларга берилди:

а) пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришганлиги учун:

— ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб пахта ҳосили олган Хоразм, Сурхондарё, Андижон ва Наманган областларига;

— ҳар гектар ердан 35 центнердан зиёд ҳосил кўтарган Жарқўрғон, Денов, Сариосиё, Боғот, Шўрчи, Янгиариқ, Тўрткўл, Пахтачи, Ленин, Урганч, Избоскан, Қўшкўпир, Пахтаобод, Шовот, Оққўрғон, Шаҳрисабз, Гурлан районларига;

б) пахта йиғим-теримини механизациялаштиришнинг юксак даражасига эришганликлари учун:

— бутун пахта ҳосилининг 70 процентдан кўпроғини машинада териб олган Сирдарё ва Тошкент областларига;

— бутун пахта ҳосилининг 80 процентидан зиёдроғини машинада териб олган Дўстлик, Мирзачўл, Учқўрғон, Ильич, Пахтакор, Оқолтин, Октябрь, Задарё, Норин районларига.

Энг яхши хўжаликларни ва ғўзани парвариш қилиш ҳамда пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш илғорларини мукофотлаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари билан мукофотланган областларга ва районларга бериш учун областларга ўнтадан юк автомобиллари ва олтитадан енгил автомобиллар, районларга иккитадан юк автомобиллари ва учтадан енгил автомобиль ажратиш «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасига ва «Ўзбекбирлашув»га топширилди.

Пахта ҳосилдорлигини ва пахта йиғим-теримини механизациялаштиришни ошириш учун ўтказилган мусобақа ғолибларига—ғўза парвариши ва пахта йиғим-терими илғорларини мукофотлаш учун операцион харажатлар ҳисобидан областларга 10 минг сўмдан, районларга 4 минг сўмдан пул ажратиш Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига топширилди.

Область ва район партия комитетлари қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида олиб бораётган ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтиришлари, пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг ҳосилдорлигини ва йиғим-теримини механизациялаштириш даражасини ошириш, 1974 юбилей йилида яна ҳам юксакроқ марраларга эришиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари лозим.

Республика ва область газеталарининг редакциялари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг ҳосилдорлигини ва йиғим-теримни механизациялаштириш даражасини ошираётган илғор колхоз ва совхозларнинг ишини кенг ёритишлари лозим.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ЯГОНА ОИЛАСИДА

(Боши 1-бетда).

Қирғизистон меҳнаткашлари мамлакатимизнинг бошқа халқлари билан бирга шонли революцион кураш ва зафарлар йўлини босиб ўтдилар. Улар большевиклар раҳбарлигида қаҳрамонлик, матонат ва Ленин ғояларига садоқат кўрсатиб, ўз диёрларида Октябрь ғалабаси учун фидокорона курашдилар. Қирғизистоннинг революцион оммаси синфий душман — бойлар, манаплар, муллалар, босмачиларга қарши шиддатли олишувда Совет ҳокимиятини ҳимоя қилдилар. Туркистон тоғлари ҳамда жазирама чўлларида руслар ва қирғизлар, украинлар ва ўзбеклар, белоруслар ва қозоқлар, туркманлар ва тожиклар контрреволюция кучларига қарши биргалашиб жанг қилдилар. Революцион халқларнинг интернационал қардошлиги улуғ иттифоқимизнинг сарчашмаларида қон билан мустаҳкамланди.

Партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати, шахсан В. И. Ленин Ўрта Осиё районидаги миллий тараққиётга, давлат қурилишига, Советларнинг ишига доимо эътибор бериб келдилар.

Қирғизистоннинг Туркистон Совет Республикаси ва Россия Федерацияси доираларида сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий тараққиёти қирғиз халқининг даставвал РСФСР составида автономияли область шаклида, кейинчалик эса Автоном Социалистик Республика шаклида миллий социалистик давлатга эга бўлишига имконият берувчи замин бўлди. Мамлакатимизда социалистик муносабатларнинг янада ривожланиши ва социализмнинг ғалабаси натижасида Қирғизистон 1936 йилда иттифоқдош республикага айлантирилди ва у Совет Социалистик Республикалари қардош иттифоқига аъзо бўлиб кирди.

Қирғиз халқи улуғ мақсад йўлида, тарихий вазифаларни амалга оширишда бошқа қардош халқларнинг, даставвал Қирғизистоннинг социал-иқтисодий тараққиёти, меҳнаткашларининг равнақи ва бахт-саодати учун кўп ишлар қилган рус халқининг беғараз саховатларига ҳамиша суяниб келди.

Уртоқ К. Т. Мазуров қирғиз халқининг фарзандлари революция қаҳрамонлари, беш йилликларнинг зарбдорлари шуҳрати ва анъаналарини кўпайганликларини эслатиб ўтди. Немис фашист босқинчиларига қарши Улуғ Ватан уруши фронтларида қирғизистонлик юз мингга яқин жангчи жанговар жасоратлари учун орден ва медалларга сазовор бўлдилар. 70 дан ошиқ жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари бўлдилар. Биз, деди нотиқ, 28 панфиловчиларнинг жасоратларини алоҳида фахрланиб эслаймиз, улар орасида Қирғизистоннинг 6 та шонли ўғлони ҳам бор эди.

Пролетар революциясининг ғалабаси учун курашда, кескин синфий жангларда, жанг майдонларидаги қаттиқ синовларда, Ватан бахт-саодати учун биргалашиб қилинган меҳнатда жамиятимизнинг улуғвор кучи—мамлакатимиз халқларининг дўстлиги вужудга келиб, чиниқди, кишиларнинг янги тарихий жамоаси—совет халқи шаклланди, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи вужудга келиб, мустаҳкамланди, коммунизм бунёдкори—янги киши камол топди, совет кишисида ажойиб, мазмунан бой бир туйғу—250 миллионли совет халқининг меҳнати, жасорати, ижод даҳоси билан яратилган ҳамма энг яхши нарсаларни мужассамлантирган умуммиллий ифтихор вужудга келди.

Леонид Ильич Брежнев «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» қилган докладида Халқлар дўстлиги «Бизнинг бебаҳо мулкимиздир, социализмнинг ҳар бир совет кишиси дилига жуда азиз бўлган энг катта ғалабаларидан биридир. Зотан биз, совет кишилари бу дўстликни ҳамиша кўз қорачиғидек асраймиз» деб таъкидлаганди.

Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси Советлар мамлакати халқларининг ягона аҳил оиласида ажойиб муваффақиятларга эришди, деди К. Т. Мазуров.

Ажнабий кузатувчилар қирғиз халқининг ҳаётида рўй берган ўзгаришларни кўпинча «Қирғизларнинг қадимги диёрида юз берган мўъжиза» деб таърифлаб турадилар. Дарҳақиқат, тарихан бир қисқа муддат ичида Қирғизистоннинг экономикаси ва маданиятида, халқнинг бутун ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Аслида Қирғизистон бир авлод умри мобайнида ибтидоий кўчманчи чорвачиликдан замонавий индустрия ва юксак даражада механизациялаштирилган коллектив хўжаликкача; қарийб ёппасига саводсизликдан халқ маорифи, фан ва маданият равнақигача; ҳуқуқсизлик ва муҳтожликдан—миллий социалистик давлат тузуми ва мисли кўрилмаган равнақ топган экономикагача бўлган йўлни босиб ўтди.

Революцияга қадар бутун қирғиз диёрида бир йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳозир республикада икки кундан ҳам камроқ вақт мобайнида ишлаб чиқарилмоқда. Бир вақтлар чорвачилик ўлкаси бўлган диёр эндиликда ривожланган замонавий саноатга эга бўлиб, унинг юздан ошиқ тармоғи бор. Бу ерда революциядан аввалги бутун Россияда ҳосил қилинганидан қарийб икки баравар кўп электр энергияси ҳосил қилинмоқда. Енгил саноат республика экономикасининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолди. Қирғизистон муҳим қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши райони ҳам ҳисобланади. У жун етиштириш жиҳатидан мамлакатда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Пахта, қанд лавлаги, тамаки, қовун-тарвуз ва мева етиштириш кенг ривож топди.

Республика меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларининг амалга оширилишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Республика саноати маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан беш йиллик уч йили топшириқларини муваффақиятли бажарди. 1973 йилнинг 11 ойи ичидагина пландан ташқари қарийб 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Беш йиллик бошланганидан бери неча ўнлаб катта-катта корхоналар ва цехлар ишга туширилди.

Қирғиз қишлоғининг меҳнаткашлари беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

К. Т. Мазуров республика саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар—даставвал Қирғизистон ишчилари, колхозчилари, совет зиёлилари фидокорона меҳнатларининг самарасидир, деди. Бутун халқ ҳурмат қилаётган республика меҳнаткашларининг номларини атади, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорларига самимий миннатдорчилик изҳор қилди, уларга меҳнатда янги-янги муваффақиятлар ва шахсий ҳаётларида бахт-саодат тилади. Бундай кишиларнинг юксак коммунистик онглилиги ҳаммага ўрнак бўлмоқда.

Нутқда Қирғизистон меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги оширилишига, маориф, фан ва халқ маданияти ривожлантирилишига катта эътибор берилди.

Ҳар бир республика экономикаси, маданиятининг мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши бутун қудратли давлатимизнинг мустаҳкамланишига қўшилган ҳиссадир, деб таъкидланди.

Сўнгра К. Т. Мазуров 1973 йилда қилинган иш якунларига ҳамда КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми ва СССР Олий Советининг сессияси муҳокама қилган бундан кейинги ривожланиш истиқболларига тўхталди.

Партия, деб сўзини давом эттирди нотиқ, эришилган ютуқларни юксак баҳолаб, янги-янги вазифаларни ҳал этишга, экономика ва маданий тараққиётнинг келгуси масалаларига куч-ғайрат сарфламоқда. Уртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқида партия ва халқнинг уч йил ичидаги яратувчилик фаолиятининг якунлари чиқарилди, камчиликлар чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиб берилди, мамлакат халқ хўжалиги ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш йўллари ва методлари тўғрисида принципиал фикрлар айтилди. Барча партия ташкилотлари, партия, совет ва хўжалик органларининг вазифаси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу нутқида қўйилган проблемаларни ҳал этишга дарҳол бутун масъулият билан киришишдан иборатдир. Хўжалик қурилишимизнинг ҳамма соҳаларида катта ташкилий ишлар ўтказишга тўғри келади.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми барча партия ташкилотлари, ҳамма ишлаб чиқариш коллективларини 1974 йилги планларни ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг кўламда ташкил этишга даъват этди ва ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи план бажарилишини таъминлаш борасида конкрет тадбирларни ишлаб чиқиши зарур, деди. Сўнгра К. Т. Мазуров республика саноати ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг конкрет масалаларига тўхталди, идеологик ва тарбиявий ишларнинг, социалистик мусобақани моҳирлик билан ташкил этишнинг муҳимлигини таъкидлади.

К. Т. Мазуров нутқида КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан ташқи сиёсий йўлни амалга оширишда эришилган ажойиб муваффақиятларга, съезд қабул қилган Тинчлик программасига алоҳида эътибор берилди. У КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсий йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг хизматлари катта, деб таъкидлади. КПСС XXIV съездидан кейин мамлакатимиз, бутун социалистик ҳамдўстлик кенг қулоч ёйдирган тинчлик ҳужуми оғишмай кенгайиб, суръат устига суръат қўшиб бормоқда.

Пировардида К. Т. Мазуров КПСС жанговар отрядларидан бири бўлган Қирғизистон Коммунистик партияси ҳамма кураш босқичларида коммунизм қурилишида партиянинг бош йўлини қаттиқ туриб изчиллик билан ўтказиб келди ва ўтказмоқда, деди. У Қирғизистон коммунистлари ва барча меҳнаткашлари Октябрнинг музаффар байроғини, коммунизм байроғини бундан буён ҳам баланд кўтариб бораверадилар, деб КПСС Марказий Комитети номидан қатъий ишонч билдирди.

К. Т. Мазуров йиғилиш аҳлининг қизғин қарсаклари остида Ватаннинг юксак мукофотини республика байроғига тақиб қўйди.

К. Т. Мазуров нутқи узоқ давом этган қарсаклар билан неча бор бўлиниб турди.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев жавоб нутқи сўзлади.

У бошқа совет республикалари сингари Совет Қирғизистонининг равнақи тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига, Совет ҳукуматига, ўртоқ Л. И. Брежневга республика меҳнаткашлари номидан самимий ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этди.

Шу тантанали дамларда, деди Т. У. Усубалиев, бизнинг фикри-зикримиз халқларимиз улуғвор қардошлик иттифоқи бешигини тебратган кишига, партиямиз ва Совет давлатимизни яратган кишига, барча замонлар ва халқларнинг улуғвор интернационалисти, бизнинг севимли устозимиз ва йўлбошчимиз В. И. Ленинга қаратилгандир.

Ҳамма қардош республикалар қаторида Совет Қирғизистони ҳам сазовор бўлган Халқлар дўстлиги ордени КПСС миллий сиёсати тантанасининг, социалистик миллат ва элатлар бузилмас дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг, мамлакатимиз меҳнаткашларининг коммунистик жамият қуришда эришган жуда катта муваффақиятларининг рамзидир.

Нотиқ Совет Қирғизистонининг коммунистлари, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлилари Ленин васият қилган халқлар дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини бундан буён ҳам ҳормай-толмай мустаҳкамлаб, коммунизмнинг улуғвор идеаллари амалга оширилиши учун курашда янги-янги муваффақиятларга эришадилар, деб Коммунистик партияни, унинг ленинчи Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирди.

Бизга шу қадар қувончли бўлган ушбу кунда республикамизнинг меҳнаткашлари социалистик миллатлар ягона кўп миллатли оиласидаги саҳоватли оғамиз ва содиқ дўстимиз—улуғ рус халқига абадий катта миннатдорчилик ва чуқур ҳурмат ҳис-туйғуларини изҳор қилаверадилар, деган онт сўзларини такрор-такрор айтамиз.

Т. У. Усубалиев тинчлик ва коммунизм учун кураш ишига қўшган бебаҳо ҳиссаси учун КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга қирғиз халқининг, республика барча меҳнаткашларининг самимий миннатдорчилигини изҳор қилди.

Т. У. Усубалиев айтдики, КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорлари совет кишиларининг сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини янада ғоят оширмоқда. Пленумнинг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган қоидалар, хулосалар ва амалий кўрсатмалар совет халқининг коммунистик қурилишдаги янги муваффақиятлар учун курашидаги жанговар иш программасидир.

Пировардида Т. У. Усубалиев қирғиз халқининг, республика барча меҳнаткашларининг фикри-зикри ва ҳис-туйғуларини ифодалаб, бундай деди: — КПСС Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини ва Совет ҳукуматини тантанали равишда ишонтириб айтамизки, халқлар дўстлиги ва қардошлиги Ленин байроғига содиқ қирғиз халқи, Қирғизистоннинг барча меҳнаткашлари Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида сафларини янада жипслаштирадилар, мамлакатимизда коммунизм қуриш олижаноб ишига қўшадиган ҳиссаларини кўпайтирадилар.

М. В. Фрунзе номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг электросварщиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. Макишев, Уш область Ленин районидаги М. В. Фрунзе номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ў. Отабекова, Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмаси Қирғизистон машинасинаш станциясининг директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Д. Н. Зубков, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Олий Советининг депутати К. Г. Каракеев, Қирғизистон медицина институтининг студенти Бурул Жузенова КПСС ленинчи Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига астойдил миннатдорчилик билдириб, самимий ташаккурларини айтдилар. Улар қирғиз халқи Ватан мукофотига жавобан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини равнақ топтириш ва қудратини мустаҳкамлаш учун янада баракали меҳнат қилади, дедилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Партия турмуши: ҳужжатлар алмаштирилмоқда

КУЧЛАРИМИЗНИНГ ТАЛАБЧАН КЎРИГИ

Ўзбекистон партия ташкилотларида партия ҳужжатларини алмаштириш давом этмоқда. Ҳозир бу ишни 160 та партия комитетлари олиб бормоқдалар. 200 мингдан ортиқ коммунист, республика Коммунистик партияси составидаги партия аъзоларининг қарийб ярми янги партия билети олди.

Владимир Ильич Ленин сиймоси акс эттирилган, унинг «Партия — давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони» деган илҳомбахш сўзлари ёзилган янги нусхадаги партия билетини олиш ҳар бир коммунистнинг ҳаётидаги энг ҳаяжонли ва унутилмас дақиқалардир. Турли ёшдаги, турли характердаги ва турли касбдаги ҳар бир коммунист янги партия билетини қабул қилиб олар экан, қалби ғурур ва ҳаяжонга тўлиб-тошади, Ватан бахт-саодати йўлида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун азму-қарор қилади. Ленинчи партиянинг сиёсий жангчиси деган юксак номни шараф билан оқлаш учун ўзида янги-янги куч-ғайрат ҳис этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XII Пленумида партия ҳужжатларини алмаштириш муҳим ташкилий-сиёсий тадбир сифатида коммунистларнинг меҳнат ва сиёсий активлиги ғоят ошган бир вазиятда аниқ ва ишчанлик билан ўтказилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Компартиясида партия ҳужжатларини алмаштириш КПСС Марказий Комитети май Пленуми (1972 йил) қарорига қатъий риоя қилинган ҳолда, ҳар бир партия ташкилоти ва ҳар бир коммунистнинг партия XXIV съезди қарорларини қандай амалга ошираётганлигининг қаттиқ ва талабчан текшируви сифатида ўтказилмоқда.

Кундалик партиявий ҳаёт ва тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарлик ва алмаштириш партия сафларини мустаҳкамлаш, партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, беш йилликнинг хўжалик-сиёсий вазифаларини ҳал этишга партиявий таъсирчанликни янада кучайтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Бу муҳим ишнинг самарадорлиги республика саноатининг ривожланганлигида, қурилишда ижобий олға силжишлар бўлганида, далаларда беҳисоб пахта ҳосили етиштирилганлиги ва республикамиз пахтакорларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга берган ваъдаларига вафо қилиб, давлатга 4.900 минг тоннадан ортиқ пахта сотганликларида, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кескин кўпайганлигида ва бошқа кўпгина ишларда яққол кўриниб турибди. Республикамизнинг ҳозирги кунини белгилаб бераётган ана шу муваффақиятлар, шубҳасиз, партия ташкилотларининг активлиги ва жанговарлиги ошганлиги натижасида қўлга киритилмоқда.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик кўриш ва алмаштириш жараёнида коммунистлар билан якка тартибда иш олиб бориш сезиларли равишда активлашди, партия аъзолари ва аъзоликка кандидатлар билан якка тартибда суҳбат ўтказиш, партия йиғилишларида уларнинг ҳисобот ва ахборотларини эшитиб бориш каби янги форма ва методлар билан бойиди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, яхши тайёргарлик кўриб, усталик билан ўтказилган якка тартибдаги суҳбатлар ҳар бир коммунистнинг қалбида ва онгида ўчмас хотира қолдиради. Бундай суҳбатлар маслакдош ўртоқни ҳар томонлама ўрганиш, унинг талаб ва қизиқишлари билан танишиш, энг яхши сифатларини янада ривожлантириш учун самарали таъсир ўтказишга ёрдам беради. Коммунистлар билан якка тартибда суҳбатнинг яна бир яхши томони бор. Суҳбат пайтида коммунистлар умумий ишимизни янада яхшилашга қаратилган кўпгина таклиф ва мулоҳазаларни ҳам айтмоқдалар. Шу сабабли коммунистларнинг фикрига диққат билан қулоқ солиш, уларнинг фикр ва мулоҳазаларидан тўла фойдаланиш ва фойдали ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, танқидлардан тегишли тўғри хулоса чиқариб олиш жуда муҳимдир. Чунки коммунистлар ҳар доим омма орасида бўлиб, ўзларининг ҳар томонлама билим ва бой тажрибалари билан ажралиб турадилар, давлат ва умумпартиявий ишлар манфаати учун мунтазам ғамхўрлик қиладилар. Партия комитетлари учун буларнинг ҳаммаси коллектив ақл-идрокининг битмас-туганмас манбаи ҳисобланади.

Коммунистларнинг танқидий таклиф ва мулоҳазаларини чуқур ўрганаётган ва таҳлил этаётган, уларни умумлаштираётган ва бу таклиф ва мулоҳазаларни амалга ошириш учун зарур тадбирлар ишлаб чиқаётган район ва шаҳар партия комитетлари жуда тўғри иш қилаётирлар.

Бекобод шаҳар партия комитетида коммунистлар билан якка тартибда ўтказилган суҳбат пайтида Ўзбекистон металлургия заводи мастери А. Отамуллаев кейинги пайтларда шаҳар партия ва совет органлари раҳбарларининг меҳнаткашлар билан учрашувлари камайиб кетганлигини айтган эди. Шаҳар партия комитетида коммунистнинг бу мулоҳазаси атрофлича таҳлил қилиниб аниқ тадбирлар белгиланди. Ҳозир Бекободда олтита ахборот группаси ташкил қилинган. Бу группалар составига шаҳар партия комитети секретарлари, шаҳар ижроия комитети раиси ва унинг ўринбосарлари, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари киритилган. Улар меҳнаткашлар коллективлари билан тез-тез учрашиб туришибди.

Оққўрғон район партия комитетида бўлган суҳбат пайтида кўп коммунистлар — бригада бошлиқлари, агрономлар ва колхоз аъзолари пахтачиликда янгилик ҳисобланган **чигитни икки қаторлаб** экиш усулини кенг жорий этиш тўғрисидаги таклиф билан чиқдилар. Район партия комитети бу таклифларни эътиборга олиб, мутахассисларга шу масала юзасидан қилинаётган ишларни ўрганиш вазифасини топширди, тадбирлар ишлаб чиқди. Районда янги усул билан 600 гектар майдонда пахта етиштирилди. Ҳар бир гектар ердан ўртача 45 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди. Келгуси йилда район пахта майдонларининг ярмига ана шу усул билан чигит экиш мўлжалланмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бўка, Киров ҳамда Тошкент шаҳридаги Ҳамза, Фрунзе, Октябрь район партия комитетлари ва бошқа бир қатор партия комитетларида якка тартибда ўтказилган суҳбатлар пайтида коммунистлар билдирган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, бюро мажлисларида муҳокама қилинди ва амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида партия ҳужжатларини алмаштиришни беш йиллик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш вазифаси билан қўшиб олиб бориш, коммунистларнинг ташаббускорлигини, ижодий изланишга бўлган қизиқишини янада кучайтиришга яқиндан ёрдам бермоқда.

Партия ташкилотининг эътирози бўлган коммунистлар билан қайта суҳбат ўтказаётган партия комитетларининг иш тажрибаси ҳам диққатга сазовордир. Бундай суҳбатлар коммунистларга чуқур таъсир кўрсатмоқда. Уларда масъулият ҳиссини кучайтираётир. Бундай коммунистлар ўзларининг хатти-ҳаракатларини, қилаётган ишларини, КПСС Программаси ва Устави талаблари билан мунтазам чоғиштириб бормоқдалар.

Коммунистнинг ўз партия ташкилоти ҳаёти ва фаолиятида актив иштирок этиши кўп жиҳатдан партия топшириқларини қандай бажаришига ҳам боғлиқдир. Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва алмаштириш даврида 75 минг коммунист партия топшириғи олди. Ҳозир партия топшириғига эга бўлган коммунистларнинг сони 400 минг кишига етди. Тошкент шаҳар партия ташкилотларидаги ҳар ўнта КПСС аъзоси ва аъзоликка кандидатдан саккиз киши доимий ёки вақтинча партия топшириқларига эгадир. Партия аъзолари активлигининг ошганлигини ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳар тўрт коммунистнинг бири сўзга чиққанлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Партия ташкилотлари партия сафини ўстиришга эътиборни кучайтирдилар, КПСС сафига кираётган кишиларнинг ишчанлик, сиёсий ва маънавий сифатларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганадиган бўлдилар. Натижада партияга кираётганларнинг сифат состави яхшиланди. Бу йил партияга қабул қилинганлар ўртасида ишчи ва колхозчилар 72,8 процентни, хотин-қизлар 34,8 процентни, комсомол сафидан қабул қилинган ёшлар эса 66,1 процентни ташкил этади.

Кўпчилик партия ташкилотларида коммунистлар ўртасида ўзаро талабчанлик ва масъулият, танқид ва ўз-ўзини танқид кучайди. Улар шошма-шошарлик, пассивлик ва эътиборсизлик кўринишларига қарши актив кураш олиб борадиган бўлдилар, ўз сафларини партия Программаси ва Устави талабларига хилоф тарзда иш тутаётган ҳамда ҳатти-ҳаракатлари билан коммунист деган юксак номга доғ тушираётган кишилардан ҳоли қилмоқдалар. Бу йил партия сафидан ўтган йиллардагига қараганда анча кўп киши чиқарилди.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик, алмаштиришнинг бориши, бу муҳим ва масъулиятли тадбирнинг дастлабки якунлари республика партия органларининг диққат марказида турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва алмаштиришнинг бориши мунтазам муҳокама қилинаётир. Бу ерда Учқўрғон, Тошкент шаҳридаги Ленин район партия комитетлари, Термиз шаҳар партия комитети ва Тошкент область партия комитетларининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, партия ҳужжатларини алмаштириш билан боғлиқ бўлган вазифалар шу кунларда ўтаётган шаҳар ва район партия конференцияларида ҳам атрофлича муҳокама қилинмоқда. Область, шаҳар ва район партия комитетлари партия ички ҳаётига чуқур кириб борадиган, ундаги рўй бераётган жараёнларни синчковлик билан таҳлил қиладиган бўлиб қолдилар, партия ташкилотларининг бутун фаолиятини яхшилаш ишига самарали таъсир ўтказмоқдалар.

Республикадаги 6 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотларида партия ҳужжатларини алмаштириш тугалланди. Барча коммунистлар янги партия билетлари олган партия ташкилотлари сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Партия ҳужжатларини алмаштириш тугалланган бошланғич партия ташкилотларида қилинган ишларнинг якуни партия йиғилишларида муҳокама этилмоқда ҳамда тўпланган тажрибадан фойдаланиб, партия ташкилотлари ва барча коммунистларнинг активлигини ошириш юзасидан тадбирлар белгиланмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретариати ана шундай тажрибаларни умумлаштирди ва республика Компартияси Марказий Комитети XII Пленуми буни маъқуллаб, уни ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштириши лозим деган қарорга келди.

Биз республика партия ташкилотларининг партия ҳужжатларини алмаштириш борасидаги катта, машаққатли ва кўпқиррали фаолиятига тегишли баҳо берар эканмиз, бу соҳада рўй берган айрим камчиликлар ва нуқсонлардан сира кўз юммаймиз.

Шофиркон, Ғузор, Нурота ва бошқа бир қатор район партия комитетларида партия ҳужжатларини алмаштириш билан боғлиқ барча ишлар кўлами амалда фақат ишнинг техникавий қисми — эски нусхадаги билетларни янги нусхадаги билетларга алмаштиришдангина иборат бўлиб қолган. Коммунистлар билан расмиятчилик ва шошма-шошарлик билан ўтказилган суҳбатлар ўз-ўзидан маълумки, холисона ва сидқидилдан бўлмайди. Бунинг устига айрим район ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари коммунистлар билан суҳбат ўтказишни аппарат ходимлари зиммасига юклаб қўйганлар. Натижада кишилар билан шахсий иш олиб боришнинг бу муҳим формаси таъсирчанлиги камайиб кетган.

Баъзи партия комитетларида, айниқса Қашқадарё ва бошқа бир қатор область партия комитетларида шу пайтгача коммунистлар билан ўтказилган якка тартибдаги суҳбатларнинг якуни умумлаштирилган эмас, ана шундай суҳбатларда коммунистлар билдирган таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни амалга оширишнинг конкрет чоралари белгилангани йўқ.

Партия ҳужжатларини алмаштириш қисқа муддатли кампания бўлмай, балки катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган ишдир. Партия комитетлари ва барча бошланғич партия ташкилотлари — партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик кўраётган партия ташкилотлари ҳам, бу ишни якунлаган партия ташкилотлари ҳам КПСС Марказий Комитети Май Пленуми қарорини бажара бориб, тўпланган тажрибадан кенг фойдаланишлари, партия ташкилотлари ишини янада такомиллаштириш борасида яхши натижа берган барча форма ва методларни кенг қўлланишлари лозим.

Коммунистларнинг масъулияти ва интизомини оширишга, уларнинг КПСС XXIV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун умумхалқ курашидаги авангардлик ролини кучайтиришга, хўжаликни юритишнинг интенсив методларини жорий этишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқ зарур.

Коммунистларнинг активлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланган партия топшириқларининг бажарилишини мунтазам назорат қилиб бормоқ лозим. Бу ишда расмиятчиликка сира йўл қўймаслик керак. Бошқа жамоат топшириқлари қатори ишлаб чиқаришга яқин бўлган, масалан, орқада қолаётган ўртоғига ёрдам бериш, партия ва меҳнат ветеранларининг ёшларни оталиққа олиши ва бошқа ана шу хил партия топшириқларини кенг қўлланиш керак. Кишининг ўзига ёққан, унинг билими ва маҳоратига мос келадиган партия топшириқларини ҳар қандай коммунист жон дили билан қабул қилади ва уни тўла бажаради.

Партия ҳужжатларини алмаштириш пайтида ташкилий-техникавий ишлар аҳамиятини ҳам асло унутмаслик керак. Бу борада биз катта тажриба тўплаганмиз. Кўпчилик партия комитетларида, жумладан Тошкент, Фарғона, Андижон область партия ташкилотларида партия билетларини алмаштириш жараёни жуда аниқ ташкил этилган, ҳужжатлар диққат билан тўлдирилмоқда.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам иш ана шундай яхши боряпти, деб бўлмайди. Айрим район партия комитетларида учёт карточкаларини солиштириб кўриш ҳамда янги партия билетларини тақдим этиш учун коммунистларни райкомга таклиф этиш тартиби жорий қилинмаган. Натижада ана шу район партия ташкилотларида партия ҳужжатларини алмаштириш учун келаётган коммунистларнинг кўп вақтлари бекор ўтяпти, бу ерда ишчанлик муҳити яхши сезилмаяпти, билет топшириш пайтидаги тантанали дақиқалар коммунистларга зарур даражада таъсир кўрсатмаяпти. Ҳужжатларни пала-партиш тўлдириш ва ҳатто уларни бузиб қўйиш каби воқеалар ҳам содир бўлмоқда. Бундай камчиликлар Наманган, Олмалиқ, Урганч шаҳар партия комитетларида, Ильич, Пскент, Ленинград ва бошқа бир қатор район партия комитетларида рўй бермоқда. Партия ҳужжатларини тўлдириш техникаси ва сифати учун талабчанлик ва масъулиятни янада оширмоқ зарур.

Республика партия ташкилотларида партия ҳужжатларини алмаштиришни 1974 йил охиригача тугаллаш мўлжалланган. Олдинда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Ана шу ишларни шошилмай, ишчанлик билан, коммунистларнинг активлиги, ташаббускорлиги ва интизомини янада ошириш вазифаларига боғлаган ҳолда олиб бориш, партиявий ишларни ҳар томонлама яхшилаш учун вақт ҳам етарлидир.

Республикамиз меҳнаткашлари партия XXIV съезди қарорларини оғишмай амалга ошириш КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентда бўлган даврда олға сурган республика ишлаб чиқариш кучларини янада тезкорлик билан ривожлантиришнинг илмий асосланган программасини изчиллик билан бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган курашни кун сайин авж олдирмоқдалар. Республикамиз ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари ва зиёлилари беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилини самарали якунламоқдалар ва тўққизинчи беш йилликнинг муҳим тўртинчи йили учун янги марраларни белгилаб, уни муваффақиятли бажаришга замин тайёрламоқдалар.

Г. ОРЛОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

ИТТИФОҚ КОЛХОЗЛАР КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАН

Иттифоқ Колхозлар кенгашининг Москвада бўлиб ўтган мажлисида хўжаликларнинг экономикасини янада мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган бир қанча масалалар қараб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР қишлоқ хўжалик министри Д. С. Полянский КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми якунлари тўғрисида ахборот берди. Иттифоқ кенгаши КПСС Марказий Комитети 1973 йилги декабрь пленуми қарорини ҳамда шу Пленумда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосаларни якдиллик билан тўла-тўкис маъқуллади ва уларни доимий дастурул амал сифатида қабул қилди.

Механизаторлар қишлоқда ҳал қилувчи куч. Кенгаш мажлисида колхозларда механизаторлар тайёрлашни яхшилаш ва уларнинг доимий ишлаб қолишини таъминлаш чоралари батафсил муҳокама қилинди.

РСФСР Олтой ва Краснодар ўлкаларида, Ростов, Тамбов областларида, Украина, Белоруссия ва Молдавияда механизатор кадрлар билан ишлаш соҳасида яхши тажрибалар тўпланди. Аммо кенгашда бир қанча хўжаликларда механизатор кадрлар етишмаётганлиги, меҳнат шароитини ташкил этишдаги камчиликлар тугатилмаганлиги уқтириб ўтилди.

Иттифоқ Колхозлар кенгаши ўз қарорида иттифоқдош республикалар колхозлар кенгашларига қишлоқ хўжалик министрликлари билан бирга хўжаликларнинг механизатор кадрлар билан қандай таъминланганлигини қараб чиқишни ва механизатор кадрлар тайёрлашни яхшилаш ҳамда уларнинг хўжаликларда доимий ишлашини таъминлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгилашни топширди. Колхоз правлениеларига шу вазифани бажаришга қаратилган тадбирлар системаси тавсия қилинди.

Иттифоқ Колхозлар кенгаши ишида КПСС Марказий Комитети, министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари қатнашдилар.

(ТАСС).

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ФАЙЗИХОН ҚЎНУСОВНИНГ МАКТУБИ МАЪҚУЛЛАНДИ

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 9 декабрь сонида Самарқанд область Нурота районидаги «Қизилча» совхозининг бош чўпони Файзихон Қўнусовнинг республиканинг барча чорвадорларига мактуби босилган эди. Чорва қишловини муваффақиятли ўтказишга чорлаган ушбу мактуб Самарқанд область партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди ва алоҳида қарор қабул қилинди. Область партия комитети бюроси тажрибакор чўпоннинг ташаббусини маъқуллаш билан уни барча колхоз ва совхоз чорвадорлари орасида кенг ёйиш, оммалаштириш зарурлигини уқтириб ўтди. Район партия комитетлари ва колхозлар, совхозлар ҳамда бошланғич партия ташкилотларига ва барча чорвадорларга Файзихон Қўнусовнинг мактубини ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва шу асосда қишловни муваффақиятли ўтказиш учун конкрет тадбирлар белгилаш вазифалари топширилди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Советлар мамлакатида

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Жануби-ғарбий темирйўл коллективи тўққизинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили планини муддатидан илгари бажарди. Темирйўл магистралларида юксак технологик кўрсаткичларга эришилди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи ҳамда юк ташиш таннархини камайтириш топшириқлари ҳам ошириб бажарилди.

Локомотив депосининг машинисти Николай Порхун ташаббуси асосида темир йўлларда оғир юкли поездларни бошқариш бўйича мусобақа авж олдирилди.

Темирйўл коллективи 1974 йил планини муҳокама қилиб, унга муҳим ўзгартишлар киритди. Темирйўлчилар эндиги йили пландан ташқари бир миллион тонна юкни ташиб бериш мажбуриятини олишди.

КИЕВ

СУТ ДАРЁЛАРИ

Қозоғистон сут саноати корхоналари йиллик пландан ташқари сут ишлаб чиқаришга киришди. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериш 42 минг тонна кўпайди.

Келгуси йили Қозогистон сут саноати аҳолига сут ва сут маҳсулотлари етказиб беришни тағин ҳам кўпайтиради. Бу ерда бир сменада 500 тонна маҳсулот етказиб берадиган янги сут заводи ишга туширилади. Толдиқўрғон областида қурилаётган бу улкан корхона ишга туширилиш арафасида турибди.

ОЛМАОТА

МОНТАЖЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакатимиз шарқидаги энг йирик «Сибметаллургмонтаж» трести беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили планини муддатидан илгари бажарди. Топшириқда кўзда тутилганига нисбатан 6 миллион сўмлик кўп иш бажарилди. Йил охиригача бу маблағ яна бир миллион сўмга ортади.

Монтажчилар бу муваффақиятга меҳнатни юксак даражада механизациялаш натижасида эришдилар. Бу ерда «металл конструкцияларни ва технология ускуналарини монтаж қилишнинг йирик блокли методи қўлланилмоқда. Зангламайдиган пўлатдан тайёрланган катта диаметрли қувурларни автомат тарзда пайвандлаш жорий қилинди.

Ишларнинг таннархини камайтириш ҳисобига бу йил икки миллион сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди.

НОВОКУЗНЕЦК

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Туркменнефтегазстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини бажарди. Коллектив қурилишнинг технор методларини кенг қўлламоқда. Бу эса конларни очишни тез суръатлар билан олиб боришга имкон беради.


Шодлик конида газни комплекс тайёрлаш установкаси, Чева конида кучли компрессор станцияси муддатидан олдин фойдаланишга топширилди. Газ-Ачак, Небитдаг шаҳарларида ва бошқа аҳоли пунктларида уй-жой фонди йил бошидан бери 30 минг квадрат-метрга кўпайди, уч-та янги мактаб ва болалар боғчаси очилди.

Декабрь охиригача планга қўшимча равишда 5700 минг сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилади.

АШХОБОД

* * *

Рига денгиз савдо порти коллективи беш йилликнинг учинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажарди. Портда янги контейнер участкаси ташкил этилган. Бу йил биринчи марта француз трейлеровози бу ердан жунатилди. «Бородин» номли бу кема Рига—Гавр — Дюнкерк — Рига совет—француз линиясида мунтазам қатнайди. Чапдаги суратда ана шу кема тасвирланган. Ўнгдаги суратда эса, Туркманистоннинг Красноводск шаҳрида бунёд этилган янги установка тасвирланган. Бу ерда сувни чуқуклаштирувчи йирик иншоот қуриб битказилди. (ТАСС фотохроникаси).



ХАЗИНА КАЛИТИ

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Омманинг аҳлоқи, онги, дунёқарашини тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг роли катта.

— «Жамиятимиз коммунизм қурилиши йўлидан олға борган сари совет кишисининг дунёқарашини, унинг аҳлоқий эътиқодларини, маънавий маданиятини шакллантиришда адабиёт ва санъатнинг роли кучаймоқда» деган эди Л. И. Брежнев партия XXIV съездида қилган ҳисобот докладида.

Бу, фақат ҳозирги адабиётимизгагина эмас, классик адабиётимизга ҳам тааллуқли масаладир.

Зеро, Коммунистик аҳлоқнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишида социалистик воқелигимиз ҳал қилувчи роль ўйнаса-да, бу аҳлоқ барча меҳнаткашларнинг асрлар бўйи асраб келган маънавий бойликлари дурдонасини ҳам ўзида мужассамлантиради. Меҳнатсеварлик, дўстлик, коллективизм, камтарлик, инсонга меҳрибонлик, илмга ташналик ва илм ақлига чуқур эҳтиром, самимийлик, турли миллат ва элат вакилларига ҳурмат каби олижаноб ҳислатлар меҳнаткаш халқнинг одоб-ахлоқида мавжуд ва уларнинг улуғ фарзандлари, мутафаккир олим ва шоирлари томонидан куйланиб келган ҳислатлар бўлиб, уларнинг ёркин келажакка бўлган эҳтиросли орзу-умидлари эди.

Мана шундай улуғ гуманистлардан бири шайх Саъдийдир.

Шарқ классик адабиётининг буюк намояндаларидан бири Муслиҳиддин Саъдий Шерозий Ўрта ва Яқин Шарқ ўлкаларида шайх Саъдий номи билан машҳур. Унинг ажойиб асарлари ўзбеклар орасида ҳам кенг тарқалган. «Гулистон» ва «Бўстон» каби ахлоқий китоблари эски ўзбек мактабларида дарслик сифатида ўқитилар эди.

Буюк Алишердан тортиб ўзбек шоирларининг кўплари Саъдий ижодини чуқур ўрганиб, ундан баҳраманд бўлганлар.

Саъдий ўз замонининг етук педагоги, доно, инсондўст мураббий шоири, чуқур психолог олими бўлган. У буюк инсоншунос, ўзининг собит гуманистик концепциясини ишлаб чиққан адиб. Унинг ўрта аср зулматида машъал бўлиб чақнаган, инсонларнинг забун дилига қоронғу ҳужра туйнугидан кирган қуёш нуридек ёруғлик ташиган ёркин ижоди бу даъвомизнинг исботи бўла олади. Шайх Саъдий ижодининг асосий қисмини инсон дилининг энг нозик ва энг индивидуал, энг ҳусусий томонларини куйлашга бағишланган ғазаллар ташкил қилганлиги ҳам, машҳур асарлари «Гулистон» ва «Бўстон»нинг мундарижаси ҳам шундан гувоҳлик беради. У инсон ҳаёти, ахлоқининг энг зарур томонларини олиб, олимона тадқиқ ва таҳлил қилади, буюк санъаткорона ҳис-туйғу билан таърифлаб, тавсифлаб беради. Масалан, унинг «Саъдийнома» ёки «Бўстон» деб аталган асари мамлакатни идора қилиш тадбири, одиллик ҳамда тўғри фикрлаш, эҳсон, ишқ-муҳаббат, камтаринлик, қаноат, тарбият ва омонлик ҳақидаги боблардан ташкил топган бўлса, «Гулистон» асарида ҳам шу масалаларга янада чуқурроқ ёндашади ва натижада шаҳар ҳаёти, дарвешлар ахлоқи, қаноатнинг фазилати, ишқ ва ёшлик, заифлик ва кексалик, тарбиянинг таъсири, суҳбат қоидалари ҳақидаги боблар вужудга келганлигини кўрамиз.

Саъдий инсон ҳаёти ғоят беқадр бўлган бир даврда яшади. Шунинг учун ҳам унинг ҳеётдек кенг ва ранго-ранг ижодида ёркин мисралар ўз даври учун машъал бўлиб порлаган ва ҳозирги кунгача жилвасини йўқотмаган гавҳарлар билан бир қаторда, даврнинг қора тамғаси тушган доғларни ҳам кўрамиз.

Аммо Саъдий кўп саёҳат қилиб, ҳаёт тажрибасини орттирган билимдон олим бўлганлигидан довдираб йўл тополмай қолган кишиларни саргардонликдан қутқариш, уларга тўғри йўлни кўрсатиб беришни ўзининг бурчи ҳисоблайди. У бир шеърида:

Чу кўрдинг кўр киши йўлида чоҳдир,
Индамай ўтирсанг катта гуноҳдир,—

дер экан, бошқаларга ҳам шу бурчни уқтиради. Саъдий назарида инсон фақат ўзи учун эмас, бошқалар тақдири учун ҳам жавобгар.

Инсоннинг кўзини очишга, унга яшамоқ йўлларини ўргатишга бутун умрини бағишлаган Саъдий ҳеётда инсонни пок ва бақувват, иродали ва мағрур кўришни истайди.

Инсоний қадр-қимматни у биринчи галда меҳнатда, билим ва ҳунарда, бировга хор бўлмасликда деб тушунади ва шундай таълим беради:

Уз меҳнатидан нон еган киши
Ҳотам миннатидан озод ёз-қишин.

Саъдий замонида «Умр берган худо ризқингни ҳам беради», деган фикр ҳукмрон эди. Шайх Саъдий эса бунга ишониб ўтирмай, меҳнат қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Ризқ агар ҳар кимга келур бегумон,
Ақл дер: «Қидиргил уни сен ўзинг».

Ҳамма нарса ҳам фақат ҳаракат ва жасурлик билан қўлга киришни мумкинлиги «Гулистон»нинг кўп ҳикояларида лўнда қилиб кўрсатиб берилган. Шунинг учун ҳам буюк мураббий киши қадрини, инсоннинг инсонлик шарафини ерга урадиган таъма, ҳасад ва шунга ўхшаш паст одатларни қаттиқ қоралайди. У «Бўстон» ҳам «Гулистон» китобларида бу ҳақда:

Олиб борма шоҳга таъмали сўзинг,
Таъманн йўқотганда шоҳсан ўзинг.
Жирканчдир хор бўлиб топилган овқат,
Қозон тўлур аммо ор билан фақат,—

каби ҳикмат тўла мисралар битади.

Инсондаги ёмон ҳислатларни орттирадиган, уни ҳатто ёлғончилик, ўғирликка бошлайдиган, дағдға, жанжал чиқариб, инсон шарафини пастга урадиган майхўрликни ҳам қаттиқ қоралаган шоир «Асали арзимас неши заҳрига» дейди ва май ичиб хурсанд бўламан деганлар кўпинча алданиб соғлиғидан ва обрўйидан ажраб қолишлигига ишора қилиб, киноя билан:

Май ичишар ёноқ бўлсин деб зебо,

дейди. Саъдий мардонавор меҳнатга, ростгўйликка, билим-ҳунар орттиришга чақиради. У текинхўрлар ва золимларни аёвсиз фош қилиб, ҳаммага озор берувчи золим кишидан кўра одам юкини енгил қилувчи иш ҳайвонларини афзал кўради.

Шоир ўз асарлари билан китобхонларда софдиллик ва халқпарварлик, жасурлик ва мардлик, ростгўйлик, ва саммимят ҳислариии тарбиялайди. Меҳнатсиз нон ейиш инсофдан эмаслигини уқтиради.

Ҳалол ишла, мардларча айшингни сур,
Узи ишламай еса, номард эрур.

Шоир илму-ҳунар қадрини таърифлар экан, «Гулистон» китобининг тарбият таъсири бобида қуйидаги ҳикояни келтиради:

Бир донишманд ўз ўғилларига шундай насиҳат қилар эди: «Болажонларим, ҳунар ўрганинг, чунки дунёнинг мулку давлатига ишониш ярамайди. Олтин-кумуш ҳам бу сафар диёрида хавфу хатардир. Ё ўғри бирдан олиб кетади, ё эгаси оз-оз харжлаб тагига етади. Аммо ҳунар қайнар булоқ ва битмас бойликдир. Агар ҳунарманд киши давлатидан ажраса ва ғаму, на офатдир. Чунки ҳунарининг ўзи давлатдир. У қаерга борса қадрини топади, мансабга миниб, бахти чопади, бехунар доимо қаттиқчилик кўради ва сарқитлар теради».

Саъдий илму-ҳунарга жуда юқори баҳо беради. Илму-ҳунар ўрганиш йўлида ҳар қанча машаққатдан қочмаслик лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган шоир:

Истар эсанг отангдан мерос,
Богла отанг илмига ихлос,—

каби мисралар билан кишиларда илму-ҳунарга муҳаббат уйғотади.

Саъдий болага тарбияни ёшликдан бериш кераклигини алоҳида таъкидлайди:

Кимга ёшлигидан берилмас одоб
Улғайгач бўлади бахтсиз, дили ғаш.
Ҳўл новда эгилар қай ҳилда эгсанг,
Қуруқни тўғрилар фақат ўтоташ.

Унинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрларининг кўпчилиги ҳали ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Унинг бола тарбияси ҳақидаги сўзларини ўқир экансиз, «баъзи ота-оналар буни ҳозир ҳам қулоғига қуйиб олса арзир экан», деган фикр кўнглингиздан ўтмай илож йўқ.

Ҳаёт ҳодисаларга тўла, болани ҳамма нарсага бардош берадиган қилиб меҳнатда тарбиялаш лозим. Агар у меҳнат кўрмай, ноз-неъматдагина ўсса, у биринчи қийинчилик кўргандаёқ, чидаш беролмай, ўзини йўқотиб қўяди:

Саъдий болани тарбиялашда талтайтиришга қарши «Гулистон» ва «Бўстон»да ҳам жуда кўп мисоллар келтиради. Шундай ҳикоялардан бирини у қуйидаги шеър билан тугатади:

Юборди ўғлини мактабга подшо,
Қилиб қўйнига нуқра тахтача жо.
Кумуш ул лавҳага зардни битиб ёд:
«Ато меҳридин афзал жабри устод!»

Саъдийнинг «Ато меҳридин афзал жабри устод!» ҳикматли мисраси халқ орасида жуда кенг ёйилиб кетган. У илм ўрганиш билан бирга унга амал қилиш лозимлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади.

Саъдийнинг бу жиҳатдан ишқмуҳаббатга бўлган қарашлари ҳам жуда ибратлидир.

У ёшлари мос келадиган кишилар орасидаги муҳаббатнигина ҳақиқий инсоний муҳаббат деб билади ва нотекис никоҳга қарши қаттиқ сатира ўтини очади.

Саъдий ёшни ҳам, кексани ҳам ўз ўрнида кўришни истар экан, ёшларга шафқат, кексаларга ҳурмат кераклигини кўп уқтиради ва шундай одобни тарғиб қилади.

Жаҳон кезиб иссиқ-совуқни татиб кўрган, кўп одамларни синаган шоир турли миллат аҳлларининг барчасига бирдек қараш керак, деб таълим беради.

Шу билан бирга у аввало ўз эли, ўз халқига вафодорлик, ўз ватани бошига бирор оғирлик тушса, балогардон бўлиш ҳислариии, ўз юртига фидоийлик туйғуларини тарбиялашга чақиради.

Саъдийнинг одоб ҳақидаги фикрларидан гапирар эканмиз, унинг сўз ва сўзлаш қоидасига айрича диққат қилганлигини айтмай бўлмайди. Саъдий инсоннинг сўзлаш қобилиятини уни махлуқотдан ажратиб турувчи хусусият деб қарайди ва кишининг хулқ-атвори, юрагида нелар борлиги, қандай одам эканлиги сўзидан, унинг сўзи билан иши орасидаги муносабатдан билинади, дейди.

Оғиз ичида тил, недур эй оқил! —
Ҳунар хазинасин калитидур у.
Эшик ёпиқ экан, билиб бўлмагай
У ерда нима бор; мунчоқмн; инжу.

Кишининг дўстини душман қиладиган ҳам, инсонлар орасида фитна қўзғатадиган ҳам тил. Шунинг учун Саъдий «Гулистон» китобида суҳбат одоби ҳақида айрим боб киритади. Унда:

Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,
Донолардек бир сўз дегил пек, маънодор.
Уйламасдан туриб ҳеч урмагил дам,
Соз сўзла, агар неч сўзласанг не ғам

каби ҳикматли маслаҳатларни кўп учратамиз. Кишининг номини абадий қолдирадиган нарса ҳам иккита, улардан бири сўз. Иккинчиси эса — яхши эзгулик ишдир.

Инсон ҳаёти коинот тарихига нисбатан бир дамгина давом этадиган қисқа бир вақтни ташкил қилади. У кишига бир марта берилган энг қимматли бойлик, уни бехуда ўтказиш ярамайди:

Кимки бефойда умрин ўтказди,
Ҳеч нарса олмасдан, олтин кетказди.

Улкан даҳо эгаси Саъдий буюк жасорат кўрсатиб, инсонлар учун ажойиб асарлар ёзиб қолдирди. У ўз «Гулистон»ининг ҳеч ҳазон бўлмаслигига ишора қилиб:

Гул замони беш-олти кундир бас,
Бу «Гулистон» ҳамиша пок нафас.

деган эди.

Дарҳақиқат, мана етти асрдан ортиқ вақт ўтишига қарамай, кишилар унинг «Бўстон»ни мевалариидан баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Ажойиб «Гулистон»ни гулларидан эса инсонлар димоғи муаттар бўлиб, диллари шавқ-завққа тўлмоқда.

Бизнинг юксак ахлоқий нормаларимиз асрлар бўйи улуғ аждодларимиз орзуси бўлгани бежиз эмас.

Ш. ШОМУҲАМЕДОВ,
профессор.

Ахборот

ЯНГИЛИКЛАР

ДЎСТЛИК МАЙДОНИ

Пойтахтимизда Халқлар дўстлиги майдони барпо қилинаётир. Томошахоналар, спорт иншоотларини лойиҳаловчи марказий илмий-тадқиқот институти ходимлари бу ерда қад кўтарадиган 3100 ўринли кино-концерт залн лойиҳаси устида ишламоқдалар. Бу ерда концертлар, кинолар қўйишдан ташқари Иттифоқ ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлган симпозиумлар ҳам ўтказиш мумкин бўлади. Майдон «Халқлар дўстлиги» номини олади.

ҚОПҚИҚЛИ «МЕҲМОН»ЛАР

Яқинда Москва ҳайвонот боғига Австралиядан қопқиқлилар — 4 та эчки ва бир кенгуру келтиришган эди. Тошкентлик табиатшуносларнинг илтимосига кўра, пойтахт ҳайвонот боғи маъмурияти ана шу «меҳмон»ларни Тошкент ҳайвонот боғига «кузатди». Қопқиқлилар ҳозир Тошкент иқлимига ўргатилаётир.

ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВ

Тошкент шаҳар колхоз бозорлари бошқармаси бозорларнинг санитария ҳолати, савдо маданияти, савдо-сотиқ планлари бажарилишини муҳокама қилди. Шаҳардаги «Госпитал» колхоз бозори озодалиги ва савдо маданиятини яхши йўлга қўйгани, шунингдек, янги пассажлар қуриш соҳасида ҳам намунали иш олиб боргани учун социалистик мусобақада ғолиб чиққан илғор коллектив номини олди. Савдо-сотиқ йиллик планини муддатидан илгари бажарган учун мазкур коллективга бозор бошқармасининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ХОККЕЙ. Еттинчи анъанавий халқаро турнир — «Известия» газетаси совғини учун ўтказилаётган мусобақалар қизғин давом этмоқда. Турнирнинг иккинчи куни Швеция — Финляндия командалари хоккейчилари куч синашди. Бу ўйинда финляндияликлар устунлик қилиб, 5:2 ҳисобида ғалабага эришди. Совет хоккейчилари иккинчи учрашувни Польша командаси билан ўтказди. Майдон эгалари бу сафар ҳам маҳорат кўрсатиб, меҳмонлар дарвозасига 10 та шайба йўллашди. Уз дарвозаларидан эса ягона шайба ўтказдилар. Ўтган куни Польша — ЧССР хоккейчилари майдонга тушдилар. Учрашув ЧССР командаси фойдасига (9:1) ҳал бўлди. Кеча ЧССР — Швеция, Финляндия — СССР командалари учрашди. Ўйинлар жадвалининг бугунги нўрнишши қўйидагича:

	У	Ю	Д	М	Ш	О
СССР	2	2	0	0	18—4	4
ЧССР	2	2	0	0	16—2	4
Финляндия	2	1	0	1	6—9	2
Швеция	2	0	0	2	5—13	0
Польша	2	0	0	2	2—19	0

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Студентлик — олтин давр им. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Миллионлар ленинча университети (Москва). 20.00 — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари ҳақида қиладилар. 20.40 — Ахборот. 21.00 — **Дилором** (опера). 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Дилором** (операнинг давоми). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ўқув курсатувлари. 18.30 — МОСКВА. 19.30 — Ўзбекистон комсомолининг X съезди шарафига (Тошкент). 20.00 — Концерт. 20.20 — **Одам боласи бўл** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.00 — Турмуш ва маданият (Тошкент). 22.30 — Езувчи Сергей Залигин ижодининг саҳифалари. 23.10 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Тоғлик қасоскорлар** (бадиий фильмнинг 1 серияси). 20.30 — Беш йиллик маршрутлари бўйлаб. 20.50 — Эстрада концерти. 21.20 — Ҳужжатли фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/XII да **Бир актли балетлар**, 21/XII да **Кармен-сюита**; **Ойимиз ва безори.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/XII да **Парвоз**, 21/XII да **Уғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/XII да **Қонли тўй**, 21/XII да **Замонали ва Омонали**, 22/XII да **Ҳижрон.**

КИНО

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат алангаси (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ринг — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (куфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 16.45).

Аломат қиз — «ЧАЙКА» (16.00, 20.30).

Мен — Шаповалов — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Менинг исмим масхарабоз — Г. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Мушук излари — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (ўзбек тилида) — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Дайди — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Рам ва Шам (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Қаллоб Цеплис — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

20 ДЕКАБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА

БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ ҲАВАСКОР ЖАМОАЛАРИ ФЕСТИВАЛИНИНГ ЛАУРЕАТИ

„ШОДЛИК" АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ЭРГАШ КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

Дилафруз ЖАББОРОВА

Солистлар: Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Дадахон ҲАСАНОВ, Рашида РАҲИМОВА, Назира ШЕРАЛИЕВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Қодир МЎМИНОВ, Ойхон ЁҚУБОВА, Алижон ҲАСАНОВ, Ҳасан ЮЛДОШЕВ, Роза КАРИМОВА.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳаким НИШОНОВ.

Программани — Зайтуна Тожибоева ва Утқир Сиддиқовлар олиб боради.

Билетлар «Баҳор» ва Свердлов номли концерт заллари кассаларида кундуз соат 2 дан сотилади.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА СССР биринчилиги учун 24, 25 ДЕКАБРДА АСК (Новосибирск) — «БИНОКОР» (Тошкент).
29, 30 ДЕКАБРДА АСК (Хабаровск) — «БИНОКОР» (Тошкент).
командалари ўртасида

ХОККЕЙ

ЎЙИНЛАР 24, 25, 29 декабрда кеч соат 7 да, 30 декабрда кундуз соат 3 да бошланади.
Билетлар спорт зали кассаларида сотилмоқда.
КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КУРИШ ВА АБОНЕМЕНТЛАР ОЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ
21, 30 ДЕКАБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
ЯН СОЛОВИЧ асари.
«МУДҲИШ ВАЗИЯТ»
ёки
«Кўчага чиққан гап»
2 пардали комедия.
Постановкачи режиссёр — Э. МАСАФОЕВ.
Рассомлар — М. ЭШОНХЎЖАЕВ, А. БАТИКОВ.
Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ЛЕНИН ОРДЕНЛИ АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ТОШКЕНТ БИР ЙИЛЛИК БОҒБОНЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБИ 1974 ЙИЛГА **ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Мактаб колхоз ва совхозлар учун боғдорчилик, узумчилик, пальметта боғлари бўйича малакали кадрлар, мастер технологлар тайёрлайди, боғбонларнинг малакасини оширади ҳамда қўшимча равишда шоферлик касбига ўргатади. Мактабга боғдорчилик, узумчилик соҳасида 2 йиллик иш стажи бўлган, 7-10 синф ҳажмида маълумотли шахслар колхоз ва совхозлар йўлланмаси билан қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Мактабга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (аттестат, шаҳодатнома), ўқишга юборилганлиги ҳақида ишлаб турган хўжалик томонидан берилган йўлланма, соғлиги ҳақида справка (286-форма), учта фотосурат (3х4 см) тарихман ҳоли, турар жойидан справка, мактаб директори номига ариза.

ЎҚИШ 2 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Оржоникидзе район, Гулистон қишлоқ Совети (107, 108-автобусларнинг «Сельсовет» бекати).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
1 ЯНВАРДАН 10 ЯНВАРГАЧА
„Болалар арчаси" муз устида
БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ
ПРОГРАММАДА: оммавий ўйинлар, Ўзбек Давлат эстрадаси артистлари иштирокида театрлаштирилган томошалар, хоккей ва фигурали учиш мактаблари ўқувчиларининг чиқиши.
ТОМОШАЛАР: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, да бошланади.
5, 6 ЯНВАРЬ КЕЧ 6 ДА
«ЕШЛАР БАЛИ» ЎТКАЗИЛАДИ
БИЛЕТЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН:
Спорт иншоотлари бошқармаси. (В. И. Ленин майдони, 2, 3-хоналар. Телефонлар: 39-14-18, 39-19-95);
Марказий «Юбилей» спорт зали (Вокзал майдони, 41-уй. Телефонлар: 486250; 486249; 486775) дан олиш мумкин.
Кассалар ҳар куни эрталаб соат 10 дан бошлаб ишлайди.

Ғафур Ғулом номли Сирдарё Давлат педагогика институти ректорати ва касаба союз ташкилотлари қозоқ тили ва адабиёти кафедрасининг мудири, доцент Ю. Абдувалиевга онаси

Балхия АБДУРАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Ғ-08048. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 297.